

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



2019



ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА

ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ

Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмӯа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”
Тармоқ маркази директори
Н.М.Эгамбердиева
“ ” 2019 йил**

**“Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Малака ошириш курси йўналиши: Барча йўналишлар
Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари**

Тошкент – 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Х.Болтабоев, филол.ф.д.,
профессор, ТошДҮТАУ

Такризчилар:

Б.Каримов, филология
файлари доктори, профессор

У.Хамдамов, филология
файлари доктори, доцент,
ТошДҮТАУ

Ўқув -услубий мажмуа ТошДҮТАУ Кенгашининг 2019 йил 28-августдаги 1-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

| | |
|--|---|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 8 |
| III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ..... | ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА. |
| IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР | 36 |
| V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР..... | 55 |
| VI. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 56 |
| VII. ГЛОССАРИЙ..... | 6ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА. |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 65 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлилга киришиш тилшунослик, адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг даолзарб масалаларини ўрганиш, мураккаб таҳлилий жараёнда ваниқ илмий хулосаларга келишга ёрдам беради. Ушбу модул доирасида филологик таълимга тизимли таҳлил методологияси ва асосий йўналишларини жалб қилиш орқали тилни бир бутун тизим (система) ҳолида тушуниш, унинг структурасидаги асосий илмий компонентларни фарқлаш ва тавсия этилган матнни лингвопоэтик жиҳатдан таҳил қилишга ёрдам беради. Адабиётшунослик ва фольклоршуносликда муайян бадиий матнни замонавий таҳлил усуллари орқали ўрганишга олиб киради. Жамиятни демократлаштириш жараёнида ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишда бу фан педагогларни мустақил фикрлашга, мураккаб илмий жараёнлар таҳлилида қарор қабул қилишга ўргатади ва барча таҳлил жараёнларига ижодий ёндошишни шакллантиришни назарда тутади.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

Тизимли таҳлилга киришиш сўнгги икки аср (XX-XXI) фаншунослигининг ютуқларидан саналиб, филологик таълимга замонавий таҳлил методологиясини жалб қилиш орқали муайян адабий асар ва адабий жараён муаммоларини, тилшуносликдаги асосий концепция ва тамойилларни ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш имкониятини яратади. Бадиий ва нобадиий матнларни лингвистик ва поэтик жиҳатдан таҳлил қилишда етакчи методларга таянади ва уларнинг таҳлил имкониятларидан келиб чиқсан

ҳолда аналитик тадқиқотлар йўл очади. Филологик таълим жараёни матн таҳлили ва мулоқот тизими, адабий-бадиий асарларни таҳлил қилиш методикаси билан ўқитувчи (тингловчи)ларни қуроллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Модулнинг асосий илмий мақсадидан келиб чиқсан ҳолда унинг қуидаги вазифалари белгиланади:

- филологик тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг ўрнини белгилай олиш;
- тадқиқот обьектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш тамойилларини ўрганиш;
- бадиий матн таҳлилига тизимли ёндашувни татбиқ эта олиш;
- филология фанлари доирасида тизимли таҳлил моделини билиш;
- тизимли таҳлилни филологик тадқиқотларга қўллаш асосида илмий-назарий хulosса ва ечимларга келиш.

Курс бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Ушбу модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- тизимли таҳлилнинг асосий тушунча ва истилоҳлар; тизимли таҳлил тамойиллари ва унинг компонентлари; тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босиқчлари; тизимли таҳлилда филологик истилоҳлар идентификацияси; аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этишини **билиши керак**;
- бадиий матнга тизимга ёндашув натижасида таҳлил методларини фарқлаш; тизимли таҳлилда миқдорийлик ва сифат даражасини аниқлаш; тизимли таҳлилда нутқ услублари ва уларнинг ўрни; тизимли таҳлилда услугуб ва ўзига хослик; тизимли таҳлил жараёнида замонавий методологияни қўллай билиш; матн структураси ва структурал таҳлилда эстетик таҳлил тамойилларига таяниш **қўникмаларига эга бўлиши керак**;
- филологик таҳлил жараёning замонавий структурасини билиш; структур тилшунослик ва структурал поэтика асосларининг тизимлилигини тушунтира олиш; тизимли таҳлил жараёнида лингвопоэтик, структурал ва семиотик таҳлил тамойилларига таяниш; матнга индивидуал ёндашувда тизимлилик тамойилларини қўллай билиш; талаба (tinglovchi)ларда ижодий ва тизимли ёндашувни шакллантириш **малакаларини эгаллаши зарур**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Филологик таълимда тизимли таҳлил” модули маъруза ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билим бойлиқлиги ва узвийлиги

“Филологик таълимда тизимли таҳлил” фани ўқув режасидаги олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари, тилшунослик назарияси ва методикаси, замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси билан боғлиқликда ва узвийликда ўқитилади.

Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни

Ушбу фанни ўзлаштириш орқали тингловчилар филологик таълим жараёнини ташкил этишда тизимли ёндашув асослари ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | |
|----|---|--|--------------------------------|-----------------|-----------------|
| | | Хаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | |
| | | | Жами | жумладан | |
| | | | Назарий | Амалий | машғулот |
| 1. | Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил моҳияти ва методикаси | 2 | 2 | 2 | |
| 2. | Тизимли таҳлилнинг терминологик асослари ва йўналишлари. | 2 | 2 | | 2 |
| 3. | Тилшунослик (Адабиётшунослик) га доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари. | 2 | 2 | | 2 |
| | Жами | 6 | 6 | 2 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил мөхияти ва методикаси

Филологик тадқиқотларда тизимлийк. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характеристики. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика→структурал поэтика→семиотика. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ечими.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тизимли таҳлилнинг терминологияси ва йўналишлари.

Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Бадиий матнга тизимли ёндашув. Таҳлил жараёнларининг кетма-кетлиги ва яхлитлиги.

2-мавзу. Тилшунослик (Адабиётшунослик)га доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари.

Адабиётшунослик тизими ва бадиий матн тузилмаси. Тизимли таҳлилда услуг ва тизимлийк. Тизимли таҳлилда миқдорийлик ва сифат. Уларнинг нисбати ва бирлиги. Матнга индивидуал ёндошувда тизимлийк. Талабаларда ижодий ва тизимли ёндошувни шакллантириш

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.


Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Филологик таълимда тизимли таҳлил имкониятларини жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---|---|
| S | Тизимли таҳлилнинг кучли томонлари | Максимал аниқлик билан турли ёндашувлар асосида юқори самарадорликка эришиш |
| W | Тизимли таҳлилнинг кучсиз томонлари | Бўш, таркибланмаган матнларга нисбатан қўллаб бўлмайди |
| O | Матнлар бўйича тизимли таҳлил (ички) имкониятлари | Матн шаклларидан келиб чиқиб ҳар бир компонентни микротаҳлилдан ўтказиши |

| | | |
|---|-------------------|--|
| Т | Түсікілар (ташқи) | Тизимли таҳлил бўйича назарий билимларнинг етишмаслиги |
|---|-------------------|--|



“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва кўчма машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва

Намуна:

| Филологик таълимда тизимли таҳлил | | | | | |
|--|-----------|-------------------------------------|-----------|------------------------|-----------|
| Лингвопоэтик таҳлил | | Структурал (таркибий) таҳлил | | Семиотик таҳлил | |
| афзалиги | камчилиги | афзалиги | камчилиги | афзалиги | камчилиги |
| | | | | | |
| Хулоса: | | | | | |

*«Тизимлилик алоқадорлиги»ни аниқлаш.
Ўзингизни текшириб кўринг*

| Ҳаракатлар мазмуни | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гурух баҳоси | Гурух хатоси |
|---------------------------|------------------|------------------|--------------------|---------------------|---------------------|
| Тизимнинг моҳияти | | | | | |
| Тизимли таҳлил | | | | | |
| Тизимли ёндашув | | | | | |
| Гуманитар фанлар тизими | | | | | |
| Тилшунослик тизими | | | | | |
| Адабиётшунослик тизими | | | | | |
| Фольклоршунослик тизими | | | | | |

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмок) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|--|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудиовизуал ҳаракат;✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил ечимларни танлаш |

| | |
|---|--|
| <p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p> | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил варианларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |
|---|--|

Кейс. Филологик таълимда тизимли кўрсаткич ишлаб чиқилади, мазкур методнинг ижобий ва салбий томонлари қиёсланади ва хулоса чиқарилади.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тилшуносликда тизимли таҳлил тил – системадир қоидасига амал қиласи”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



1. Тизим тушунчасига таърифинг.

A. Тизим бир бутунликни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро қадорликдаги йигиндисидир.

Б. Тизим бир бутунликни ташкил этувчи бадиий компонентларнинг арифметик йигиндисидир.

В. Тизим бир бири билан боғланган тушунчалар ҳамоҳанглигидир.

Г. Тизим бир бутунликни ташкил этувчи бири бирига ўхшамаган ҳолисалар тўпламидир.

•

3. Тизимли таҳлилга яқин келган, ҳатто синоним тарзида ишлатиладиган тушунчани аникланг.

A. Тизим методологияси.

B. Тизимли ёндашув.

В. Тизимли кетма-кетлик.

Г. Тизимлилик.



2. Тизимли таҳлил деганда нимани тушунасиз?

A. Ўзаро алоқадорликдаги тушунчалар асосида бирор объектни муайян мақсад асосида таҳлил қилиши.

Б. Бирор асар ёки предметни кетмакет таҳлил қилиши.

В. Бир йўналишдаги ҳодисаларни бошланишини аниқлаб, охирига қадар тизимли суратда таҳлил қилиши.

Г. Илмий мақсад йўлида ҳар қандай



4. Социал тизим деганда нимани тушунасиз?

A. Мураккаб тарзда қурилган, яхлит ҳолда тартибланган, ўзаро алоқадорлик ва тараққиёт қонунларига асосланган ва ўз табиатига кўра ижтимоийлик касб этган тизим.

Б. Мураккаб тарзда қурилган, ўзининг ички қонуниятлари асосида тараққий этапидаган ва иқтисодий асосга эга бўлган тизим.

В. Гуманитар фанлар асосида ривожланадиган тизим.

Г. Давлат томонидан бошқариладиган тизим.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|----------------|--|------------------|
| Тизим | Тизим бир бутунликни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорликдаги йиғиндисидир. | |
| Тизимли таҳлил | Ўзаро алоқадорликдаги тушунчалар асосида бирор объектни муайян мақсад асосида таҳлил қилиш. | |
| Социал тизим | Мураккаб тарзда курилган, яхлит ҳолда тартибланган, ўзаро алоқадорлик ва тараққиёт қонунларига асосланган ва ўз табиатига кўра ижтимоийлик касб этган тизим. | |

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.


Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Тизимли таҳлил жорий қилинадига филология соҳалари



Insert – samarali o‘qish va fikrlash uchun belgilashning inter faol tizimi hisoblanib, mustaqil o‘qib-o‘rganishda yordam beradi. Bunda ma’ruza mavzulari, kitob va boshqa materiallar oldindan talabaga vazifa qilib beriladi. Uni o‘qib chiqib “V”; “Q”; “?” belgilari orqali o‘z fikrini ifodalaydi.

Matnni belgilash tizimi

(V) – men bilgan narsani tasdiqlaydi.

(Q) Q yangi ma'lumot

(Q) – men bilgan narsaga zid

(?) – meni o'ylantiradi. Bu borada menga qo'shimcha ma'lumot zarur.


Insert jadvali

| Tushunchalar | V | Q | - | ? |
|--|--|----------|---|---|
| Tarjima nazariyasiga oid asarlar | Mustaqillik davri tarjima asarlari | | | |
| O'zbek adabiyotidagi tarjima asarlari | «Qirq qiz», «Masposhsho» | | | |
| Qoraqalpoq adabiyotidagi tarjima asalari | “Xorazm”, “Navro’z”, “Ulug’bek xazinasi” | | | |
| Tarjimalarning o'zbek-qoraqalpoq adabiy aloqalari rivojidagi o'rni | “Hazrati inson”, “Ko'k jiyak” | | | |

“Veen diagrammasi” Ushbu grafik organayzer tinglovchilarda mavzuga nisbatan tahliliy yondashuv, ayrim qismlar negizida mavzuning umumiyligi mohiyatini o'zlashtirish (sintezlash) ko'nikmalarini hosil qilishga yo'naltiriladi. U kichik guruhlarni shakllantirish asosida aniq sxema bo'yicha amalga oshiriladi. “Venn diagrammasi” grafik organayzeri adabiy ta'limda adabiy asarlar, tarjima asalarini tahlil qilish mumkin. Masalan; uchta doira chizib, o'zbek adabiyotidagi tarjima asari, qoraqalpoq adabiyotidagi tarjima asarilarining o'xshash va farqli tomonlarini tahlil qilish mumkin.

Venn diagrammasi talabalar tomonidan o'zlashtirilgan o'zaro yaqin nazariy bilim, ma'lumot yoki dalillarni qiyosiy tahlil etishga yordam beradi. Undan muayyan bo'lim yoki boblar bo'yicha yakuniy darslarni tashkil etishda foydalanish yanada samaralidir.

“Veen diagrammasi” asosida tarjima asarlarining tahlili



Klaster usulida tarjima asarlari.

“**Klaster**” – (g‘uncha, to‘plam, bog‘lam) metodi – Fikrlarning tarmoqlanishi - puxta o‘ylangan pedagogik strategiya bo‘lib, undan talabalar bilan yakka tartibda yoki guruh asosida tashkil etiladigan mashg‘ulotlar jarayonida foydalanish mumkin. Metod guruh asosida tashkil etilayotgan mashg‘ulotlarda o‘quvchilar tomonidan bildirilayotgan g‘oyalarning majmuni tarzida namoyon bo‘ladi. Bu esa ilgari surilgan g‘oyalarni umumlashtirish va ular o‘rtasidagi aloqalarni topish imkoniyatini yaratadi, talabalarning biron-bir mavzuni chuqr o‘rganishlariga yordam berib, ularni mavzuga taaluqli tushuncha yoki aniq fikrlarni erkin va ochiq uzviy bog‘langan ketma-ketlikda o‘rgatadi. Darsda imkon boricha fikrlarning va o‘zaro bog‘liqlikning ketma-ketligini ko‘paytirishga harakat qilinishi lozim.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг максади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўниммаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-мавзу. ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ МОҲИЯТИ ВА МЕТОДИКАСИ

Режса:

1. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлил асослари. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари.
2. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш тизимли услугуб асоси сифатида.
3. Тадқиқот объектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш.
4. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характери.
5. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил модели: лингво-поэтика → структурал поэтика → семиотика.
6. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ёчими.

Таянч тушунчалар: филологик тадқиқот, тизим, тизимлилик, структура, таҳлил жараёни, таҳлил модели, тизимли таҳлил, тизимли ёндашув, илмий тадқиқот, муқобил қарор, тадқиқот объекти, яхлит тушуниш.

1. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлил асослари. Тушунча ва тамойиллар тизими.

Тизим (система – юнонча: бутунлик, қисмларнинг уланиб, бир бутун ҳолида бўлиши) бирор бутунлик (яхлитлик)ни ҳосил қилувчи аъзо (компонент)ларнинг ўзаро алоқадорликдаги йигиндисидир.

Фанларнинг кўп асрлик тарихи давомида синовлардан ўтиб, тушунчаларнинг тарихий тараққиётида ниҳоят XX аср ўрталаридан ТИЗИМ фалсафий-методологик ва маҳсус илмий тушунча бўлиб шаклланган. *Тизим, тизимлилик* тушунчалари доимий суратда қисм ва бутун моҳиятини бирлаштириб турган, худди исломий фалсафа-даги қулл ва жузв сингари ўзаро алоқадорлик ва мавжудликни англатади. Қулл – бутунлик, яхлитлик ҳодисаси бўлиб, жузв унинг қисми, бутуннинг бўлраги, бироқ ундан айри ҳолида мавжуд бўлиши ёки яшashi мумкин эмас¹. Худди шу каби диалектик бирликдаги мусбат (+) ва манфий (-) жиҳатлар бир бутунликни ташкил этгани каби дунёдаги турли йўналишдаги нарса-ҳодисалар ўзаро ички тизимлилик қонуниятига амал қиласди. Бутуннинг моҳиятини ўрга-ниш учун, табиийки, унинг қисмларини тасаввур қилишимиз ва улар ўртасидаги алоқадорликни аниқлай олишимиз керак. Осмон жисмларининг тизимлилиги, табиат ҳодисаларини тизимли ҳолда тушуниш, бир фан доирасидаги қарашларни яхлит тизим ҳосил қилувчи тушунчалар сифатида белгилаш мана шу тизимлиликнинг ёрқин намунасиdir.

Бу ўринда бутунни ҳосил қилувчи аъзолар, икки хил: *элемент* (унсур) ва *компонент* (узв) истилоҳлари билан англатилади. Элемент бирор нарса ва

¹ Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: Шарқ мумтоз поэтикаси X.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б. 77-84.

ходисанинг таркибидаги материал бўлса, компонент ўша материалнинг бошқа ҳодиса ва хоссалар билан алоқага киришуви, яъни алоқадорлигини белгилайди.

Тизимли таҳлил (ТТ) икки маънода қўлланилади: тор ва кенг маъноларда: 1) тор маънода – мураккаб сиёсий, ҳарбий, социал, иқтисодий, илмий ва техник характердаги муаммоларни ечиш ва асослашда қўлланиладиган методологик воситалар йифиндисидир; 2) кенг маънода “ТТ”, кўпинча, “тизимли ёндашув”нинг синоними сифатида қўлланилади² (тизимли ёндашув жараёнига киришил-ганда бу муносабатга яна қайтилади).

Илмий адабиётларда тизимли таҳлил турлича талқин қилинади:

1. Туғилган ёки ечимини кутаётган муаммони ҳал қилиш метод-ларидан бири: Бозор шароитида таннарх → самарадорлик. Бу ўринда тизимлар таҳлили сифатида қаралади³.

2. Тадқиқ этишнинг аниқ усули (методи). Бу тарихий метод бўлиб, бу ўринда антик даврдан бери кўлланилиб келинган анализ ва синтез муносабати назарда тутилади.⁴ Демак, таҳлил (анализ) синтезнинг зидди: А↔ С.

3. Тизимли методология асосига қурилган таҳлил. Бир объект бир неча метод орқали таҳлил қилиниши мумкин: Тилшуносликда бир матн морфологик (М), синтактик (С), фонетик ёки фонологик (Ф) жиҳатдан таҳлил қилинади: М + С + Ф... = Т.

Бадиий матн таҳлилига адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашганда: мазмун + шакл + ритмика + услугуб... = Т.

4. Тадқиқотнинг назарий-амалий йўналиши: назария (Н)дан амалиёт (А) сари ривожланадиган илмий-амалий жараён: Н → А.

ТТ нинг асосий вазифалари:

- тизимни ҳосил қилувчи тизимости узвларининг мавжудлиги ва уларни яхлит тизимли тушуниш лозимлиги;
- тизим хусусиятларини аниқлаш ва унга кўра иш кўриш;
- мавжуд ахборотлар асосида ҳосил қилиниш қонуниятини белгилаш ва унинг узвларининг алоқадорлигига ишониш;

ТТ жараёнида дастлаб тадқиқодчи томонидан аниқланиши зарур бўлган жиҳатлардан биринчиси *декомпозиция*: кузатиш ва ўлчаш жараёнидир. Кейин эса *тизимни таснифлашга* киришилади:

ТТ нинг ишчанлик характеристи *робастлик* – барча узвлар тўхтаб қолганда қисман ишchan ҳолатининг сақланиши ёки гума-нитар соҳаларда: структур, функционал, информацион, маконий ва замоний жиҳатлан алоқадорлиги кабилар.

² Философский энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1989. С. 587.

³ Bertalanffy L. General system theory. Foundations, development, applications. N.Y., 1962. P.18.

⁴ Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. СПб., Изд. дом «Бизнес-пресса», 2000. С. 72.

Эмержентлик – яхлитлик элементларнинг компонент-лашуви, яъни унсурларнинг ўзаро алокадорликка киришуви натижасида бутунлик (ёки жонлилик) ҳосил қилинишидир⁵.

Тизимли таҳлил (ТТ)нинг тизимли ёндашув (ТЁ)дан фарқли жиҳатларни нималарда кўринади:

Аввало, илмий истилоҳ сифатида уларни фарқлаш зарур:

ТТ – юқорида айтилган жиҳатлари билан эътиборли, яъни у таҳлилий жараён;

ТЁ – аниқ объектга тизимли муносабатни ифодалайди; у метод ёки методология эмас, балки унга ёндашиш тамойилларини акс эттиради.

ХХ аср ўрталаридан ТЁ илмий тадқиқотларга кириб кела бошлади. Объектга умуммилмий ва специфик муносабати билан ТЁ ТТ дан фарқ қиласди.

ТЁ ўзининг қатор хусусиятлари билан структурализм ва струк-турал-функционал таҳлилга яқинлашади. Чунки бу ўринда, умуман, таҳлил жараёни эмас, балки объектга аниқ ёндашув тури ва натижа-га олиб борувчи йўллари назарда тутилган.

Бу икки тушунча, қўпинча, бири иккинчиси ўрнида қўллани-лиши ҳам мумкин, бироқ уларнинг бири жараён, иккинчиси муно-сабат эканини унумаслик лозим.

ТТ турли фан соҳаларида қўйидаги методларга эга:

- мавҳумийлик ва аниқлик;
- анализ ва синтез;
- индукция ва дедукция;
- формал ва аниқ (табиий);
- композиция ва декомпозиция;
- чизиқлилик ва ночизиқлилик (рақамли ёки механик);
- таркибий ва таркибсиз (структурив ва деструктив);
- моделлаштириш ва тажрибавий (экспериментал);
- дастурий бошқарув (алоҳида талаб доирасида) ва доимий;
- аниқлаш ва идентификация;
- кластер ва таснифлаш;
- тажрибавий баҳолаш ва тестлаш каби ўнлаб ўнлаб методларни бирлаштиради⁶.

2. Аниқланмаганлик шароитида (номаълум муҳитда) мубоқил қарор қабул қилиши тизимли метод асоси сифатида.

Ҳар қандай муаммони ҳал қилиш учун илмий тизимга кири-шишнинг бошланғич нуқтаси аниқланмаганлик ҳолатидир. Бу жараёнда юқоридаги

⁵ Кўрсатилган адабиёт.

⁶ Сафронов В. Лекции по системному анализу. Электронная версия / ru.wikipedia.org

каби ТТга кириши усуллари қўлланилиши баробарида ундан ташқари ёки параллел равища мұқобил қарор қабул қилишга қаратилган усуллардан ҳам фойдаланилади. Маса-лан, филологик тизимда ТТга тизимли ёндашувнинг намунаси сифатида формал-структурал метод белгиланиши мумкин, бироқ яна ҳам аниқроқ ва самарали натижага эришиш учун семиотик таҳлил имкониятларидан фойдаланиб, мұқобил қарор қабул қилишга ёрдам берувчи бошқа метод ёки усулларни таҳлил жараёнига жалб этиш уммкин.

Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш тизимли таҳлилда *аниқланмаган объектни аниқлаш ва таҳлилга тортиши орқали у ҳақда илмий холоса чиқаришга асос бўлади*.

Тизимли таҳлил доим номаълум, аниқланмаганлик шароитида муайян илмий муаммони ечим сари йўналтиради, унинг хусу-сиятларини ўрганиб, илмий таҳлил қилишга ёрдам беради. Бу жараёнда тизимлиликнинг мұқобил таҳлил элементлари белгила-нади, улар асосида ноаниқликдан аниқлик сари қадам ташланади.

Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилишни илм ва амалиётнинг қуйидаги соҳаларига нисбатан қўллаш мумкин:

1. Юриспруденцияда.
2. Ахборотлар тизимида.
3. Педагогик технологияларда.
4. Барча аниқ фанларда, мұхандислик ва иқтисодиётда.
5. Филологик тадқиқотларда (тилшуносликдаги лингвопоэтик, антропоцентрик ва адабиётшуносликдаги структурал таҳлил жараёнида)

ТТ дан *мақсад* аниқ ечим ёки хulosанинг натижавий кўринишидир.

Тўлиқ ва ҳар томонлама турли вариантларни ўрганиш; биргина ечим билан чекланмаслик; натижага олиб боришга имкон берувчи ҳамма вариантларни эринмай ишлаб чиқиш орқалигина максимал аниқликка эришилиш мумкин.

ТТ моҳияти: объектнинг ҳажми, унинг компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва бошқа объектга муносабати масаласи. Моҳият бу компонентлар хоссаларининг тавсифи ва мавжудлик белгиларида акс этади.

Филологик тадқиқотлар филологик тизимнинг муайян қисмини ташкил қиласди. Тизимлилик филология фанларининг ўзаро алоқадорлигига кўзга ташланади. Замонавий филологиянинг соҳалари сифатида тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, матншунослик, таржимашунослик каби аспектлар белгиланар экан, уларни алоҳида мустақил фан сифатида қабул қилиш баробарида ўзаро алоқадорлигига суюниш ва бири иккинчисини тақозо қилиниши нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Бундай қараш тарихда илми адаб ва унинг таркибиға кирган фанлар доирасида акс этган.

Шарқда *илми адаб* (Фарб истилоҳига кўра: поэтика) зарурий, энг мұхим илмлар мажмуаси ҳисобланиб, қуйидаги филологик соҳаларни ўз ичига олади: *лугат* (1), *сарф*, яъни морфология (2); *ишиқоқ* – сўз ясалиши (3); *наҳв* – синтаксис (4), *маоний* (5), *баён* илми (6), *аруз* (7), *қофия* (8), *иншо* (9), *бадоеъ* – шеър фарзи (10), *мұхозара* – тарихий воқеа ва ривоятлардан

фойдаланиш (11), *расму-л-хат* (12). Мазкур илми адабни эгаллаганлар *адиб* (юононча: филолог) деб юритилган⁷.

Демак, филология фанлариға илмий тизим сифатида қараң үтмиш фаншунослигиде мавжуд бўлган, унга араб олими *Ибн Муътазз* (Х аср) асос солган ва бу тизим Жҳиз, Кудама ибн Жаъфар каби олимлар томоидан давом эттирилган. Бироқ мана шу соҳаларнинг бири иккинчисини тақозо этадиган тарзда ва бир обьектга муносабатда уларни бирваракайига тизимли жиҳатдан қўллаш XX филологиясининг ҳосиласидир.

Филологик тадқиқотлардаги тизимлилик матнга бўлган муносабатда аниқ кўзга ташланади. Чунки бир матнни филологиянинг турли сатҳлари бўйича таҳлил қилгандагина унинг аниқлиги ва самарадорлигига эришиш мумкин.

Муаммолар таснифи ТТ да муҳим ўрин тутади. Умумий ҳолда уларни куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Яхши таркибланган (структурированный) – *well-structured*.
1. Бўш таркибланган (слабо структурированный) – *ill-structured*.
2. Таркибланмаган ёки ўзаро миқдорий алоқада бўлган (неструктурированный) – *unstructured*;

Муаммолар ечимиға киришишда шундай босқичлардан ўтилади:

- муаммони белгилаш (формулировка қилиш);
- мақсадни аниқлаш;
- мақсадга эришиш критерийлари (ўлчовлари)ни белгилаш;
- моделлаштириш: ечими асослаш учун моделни қуриш;
- ечимнинг оптимал вариантини излаш;
- ечим (қарор бериш)га киришиш;
- қарор (ечим)ни амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш;
- ечим (қарор)ни тасдиқлаш;
- ечим реализацияси жараёнини бошқариш;
- ечимнинг самарадорлигини текшириш.

Кўптармоқли ва кўпомилли муаммоларда алгоритмни аникроқ қўйиш:

- муаммонинг мавжудлиги шартини тасдиқлаш: *ВА* (ҳа), *ЁКИ* (аниқ эмас), *ЙЎҚ*.
 - мақсадни бирор ечим сари йўналтириш: *ВА* (ҳа)лар *ЁКИ* га айланади ва аксинча: *ЁКИ ВА*га айланади, лекин *ЙЎҚ*га айланмайди.
 - бир муаммо таҳлили ва ечимидан иккинчисини чиқариш;
 - ҳар бир топилган ечим йўлларини баҳолаб бориш;

Тадқиқот обьектини яхлит ушуниш деганда *тадқиқот обьекти тизимли суратда бири иккинчисини тақозо қиладиган компонентлардан тузилиши* назарда тутилади.

⁷ Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. 1-жилд. Т.: МУМТОЗ SO‘Z, 2015. Б. 190.

3. Тадқиқот обьектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиши

ТТ – бу тизим структурасига ва муқобил вариантлар мавжуд-лигига асосланган ҳолда муаммони ҳал этиш методологияси экан, бунда тизимнинг умумий назарияси қонуниятларига асосланади.

Масалан, филологик фанлар тизимида, хусусан, тилшуносликда *тил – тизим (система)*дир (Ф. де Соссюр) деган караш бор⁸. Бу қараш кейинроқ мукаммаллашиб, структур тилшуносликнинг аралашуви натижасида *тил – структурадир* (К.Леви-Стросс) деган қарашга айланди⁹. Улар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бирини иккинчиси тўлдиради. Мақсадга эришиш учун тилнинг тизим эканини қабул қилишимиз, унга аниқ метод орқали ёндашганда тилнинг структурал метод орқали ўрганиш қўйилган вазифани енгиллатишга хизмат қилиши мумкин. Мақсад самара-дорликка эришишдир. Тизимлиликни образли ифодалаб, “самарад-орлик назарияси” деб ҳам атайдилар. Самарадорлик ҳамма соҳада керак, айниқса, миқдор ўзгаришларининг ва сифат ўзгаришларига ўтишида; информатика назариясида, структур тилшуносликда, структурал поэтикада; моделлаштириш методологиясида, боринг-ки, ҳар қандай фаолиятни хуносага олиб борувчи ишончли йўли сифатида муҳим.

Тадқиқот обьектини яхлит тушуниш деганда *тадқиқот обьекти тизимли суратда бири иккинчисини тақозо қиласидиган компонент-лардан тузилиши белгиланади*. Шундан келиб чиқсан ҳолда *структурда ва тизим муносабатлари аниқланади*¹⁰.

Структура ва тизимнинг муносабатида шуни аниқлаб олиш зарурки, *структурда – маркиб, у маркибланиши тамойилларига амал қилинишида тизимли таҳлил натижаларига яқинлашади*.

Таҳлил жараёнининг тизимли характеристири *таҳлилга объектнинг барча сифат, хосса ва хусусиятларини жалб қила билишда кўринади*.

4. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характеристири.

Тизимлар турлича бўлиши билан бирга у структурал характеристерга эга, яъни унинг компонентлари ўзаро муносабатга киришиб, структрани ташкил қиласиди. Тилшунос олим Э.Бенвенист структуранинг шундай хусусиятларини фарқлаб кўрсатади:

- 1) қисмлар устидан хукм юргизадиган муайян бутунлик (яхлитлик) бирлиги;
- 2) бирликлар алоҳида махсус барқарор тамойиллар асосида шакл жиҳатдан тартибланади;

⁸ Де Соссюр Ф. Курс общей лингвистики / Труды по общему языкознанию. М.: Прогресс, 1977. С. 53.

⁹ Levi-Strauss Cl., Jakobson R. Les Chats de Charles Baudelaire // L'Homme, II. 1962, 2 (Русча таржимаси: Якобсон Р., Леви-Стросс. Кл. “Кошки” Шарля Бодлера / Структурализм: “за” и “против”. М.: Прогресс, 1975).

¹⁰ Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974. С.23.

3) бутуннинг барча қисмлари алоҳида вазифани бажариш барбарида структурал характерга эга бўлади;

4) бу маълум бир сатҳнинг бирлиги (яъни элемент) ва ўз навбатида бутуннинг бўлаги (компонент)дир¹¹.

Тизим ва структура муносабатида: *Структура – таркиб, таркибланиши тамойилларига амал қилинishiда тизимили таҳлил натижаларига яқинлашади.*

Таҳлил жараёнининг тизимили характеристири *таҳлилга объектнинг барча сифат, хосса ва хусусиятларини жалб қила билишида кўринади.*

Тилшунослиқдаги мавжуд илмий йўналишларни В.А.Маслова, Т.Н.Хомутова¹² каби рус олимларнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда проф. Н.Махмудов шундай белгилайди: “Бугун тилшунослик фанида парадигмалар микдори ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлса-да, асосан, уч парадигмани фарқлаш анъана тусини олган, яъни 1) қиёсий-тарихий, 2) систем-структур ва 3) антропоцентрик пара-дигмалар”¹³.

Адабиётшуносликда эса ўз обьектига кўра тизимили муносабатдан, яъни адабиёт (матн)га қайси жиҳатдан ёндашилаётганига қараб унинг обьекти ва предмети белгиланади.

1. *Матнга* асосланган назариялар (формал-структурал ёндашув, янги танқид, нарратология) учун бадиий матн назарий фаннинг бирламчи обьекти булгани учун матн моҳияти (назарияси), таркиби (структураси), талқини (герменевтикаси), ифодавийлиги каби илмий муаммолар бу йўналишдаги таҳлилий жараённинг предметини ташкил қиласди¹⁴.

2. *Муаллифни* ўрганишга қаратилган назариялар (биографик ва психоаналитик ёндашув, шу билан бирга феминистик адабиёт-шунослик, феноменологик тадқиқотлар учун обьект бадиий ижод ёки муайян ижодкорнинг асарлари бўлгани учун ҳам унинг предметини муаллиф услуби, услубни рўёбга чиқарувчи ташқи (метод, жанр ва бошқалар) ва ички хусусий ҳоллар (дунёқарашиб, ёзиш қоидалари, маҳорат) кабилар ушбу йўналишдаги назарий қарашларнинг предметини ташкил қиласди.

3. *Китобхонга* қаратилган назариялар (рецептив эстетика, асарни идрок этиш тарихи; тарихий-функционал тадқиқотлар) учун китобхон асосий обьект сифатида юзага чиқади ва бу бўлимнинг предметини – бадиий матн идроки, уни қабул қилиш усуслари, бадиий мулоқот (коммуникация) қонуниятлари ташкил қиласди.

4. Адабий ва маданий-тарихий *контекста* оид назариялар (реминисценция, интертекстуал) тадқиқотлар, социологик ва тари-хий-материалистик ёндашув, “янги историзм” ва культурологик методология

¹¹ Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974. С.58.

¹² Маслова В.А. Лингвокультурология. М.: Academia, 2001. С.5; Хомутова Т.Н. Научные парадигмы в лингвистике / Вестник Челябинского госуниверситета, 2009. №35 (173). Филология, Искусствоведение. Вып.37. С.144.

¹³ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқики. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017. Б.51.

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Болтабоев Ҳ. Бадиий матнга асосланган концепцияларнинг адабиёт назариясидаги ўрни / Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари / Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 2016. Б. 177-183.

кабилар учун тадқиқот обьекти адабий жараён масалалари бўлгани учун ҳам бу йўналиш учун адабиёт назарияси фан предмети сифатида адабий жараён масалалари, анъанавийлик-издошлиқ ва ворислик, терминология ва уларнинг идентифика-цияси каби масалаларни белгилаш мумкин¹⁵.

Бу назария ва концепцияларда ёндашув турлича бўлишидан қатъи назар, адабиётшунослик фанининг обьектини юқоридаги қа-рашларни умумлаштирган ҳолда шундай тасаввур қилиш мумкин:

МАТН → ИЖОДКОР → ИДРОК ЭТУВЧИ (АДРЕСАТ) → АДАБИЙ ЖАРАЁН

Бироқ бу муносабатлар тизими адабиётшуносликнинг ўз обьектига муносабати орқали тадқиқ предметини юқоридагича унинг назарий йўналишларидан келиб чиқиб белгилаш имконини беради.

Табиийки, китобхон ва унинг маданий-бадиий даражаси фақат жамият фикрини ифодалабгина қолмай, адабий жараён сифатини ҳам белгиловчи омиллардан саналади. М.Бахтин санъатнинг *диг-логик характери* хусусида ёзаркан, китобхонга адабий жараён иштирокчиси сифатида қарайди, айrim ҳолларда унинг “ҳам-муаллиф” эканлигини айrim герменевтик хусусиятлар давомий-лиги сифатида кенг қабул қилиниши лозимлигини уқтиради. М.Бахтиннинг ёзишича, “бадиий асар тизими (структураси)га тингловчи (ўқувчи, кузатувчи) ҳам қўшилади... гўё муаллиф билан бундай ўқувчи ўртасида ҳеч қандай ўзаро ҳаракат, фаол драматик муносабатлар бўлиши мумкин эмасдай (кўринса ҳам), бу овозлар эмас, балки ўзаро тенг ҳуқуқли зарур тушунчалардир”.¹⁶

Адабиётшунос ёки назариётчи олим ҳам адабий жараёнда дастлаб китобхон-реципиент сифатида қатнашади, сўнgra касбий маҳоратига қараб, профессионал китобхон, ташвиқотчи, талқинчи, танқидчи ва таҳлилчи адабиётшунос бўлиб етишиши мумкин.

Филологиянинг йўналишлари орасида дастлаб *тилишуюносликда* фаол истеъмолда бўлган “матн тилшунос учун муайян хусусиятлар мажмуига эга бўлган, табиий (миллий) тилни қўллаш актиидир”.¹⁷ Лингвистик таълимотда матннинг мантиқий алоқадориги ва шак-лий тугалланганлиги асосий хусусият саналади. Шунинг учун ҳам унга “маъно алоқадорлиги асосида бирлашган вербал (сўз) белги бирликларининг тизими, унинг асосий хусусияти боғлиқлик ва яхлитлиқдир” деб таъриф берадилар¹⁸.

Матн тилишуюнослиги деб номланувчи тил илми матнни шакллантирилган нутқ сифатида қабул қилиб, унинг маъновий ва шаклий қурилишига аҳамият қаратади. С.Валернинг ёзишича, матн лингвистик намуна сифатида уч маъновий жиҳатни қамрайди:

¹⁵ Цурганова Е.А. Литературное произведение как предмет современной зарубежной науки о литературе / Введение в литературоведение. Хрестоматия. М.: Высшая школа, 2006.

¹⁶ Бахтин М.М. К методологии гуманитарных наук / Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. М., 1986. С. 388.

¹⁷ Хализов В.Е. Теория литературы. Изд. 4. М.: Высшая школа, 2005. С.254.

¹⁸ Большой энциклопедический словарь: Языкоzнание / Под ред. В.Н.Ярцевой. М.: БРЭ (Большая Российская энциклопедия), 1998. С. 507.

- 1) чизиқли (синтактик маъно) → нима ҳақда (хабар);
- 2) референцион (семантический маъно) → нима билан (алоқа воситаси);
- 3) утилитар (прагматик маъно) → нимани (тавсия этилаётган оеаллик, мавзу бўлиши мумкин) гапиради.

Шу жиҳатдан матн воситасида уч саволга жавоб олинади: 1) матн нима ҳақда гапиради (матн мазмунидаги хабар); 2) матн нима билан гапиради – тил (алоқа воситаси); 3) нимани гапиради (тавсия этаётган реаллик концепцияси)¹⁹. Тилшунос матндағи фикрлаш тарзи, мантиқдаги «силлогизм»дан кўра унга грамматик кўри-нишдаги гаплар, конструкцияланган лексик ва стилистик бирлик-лар жиҳатидан қарайди. Соғ лисоний муносабат – бу белгининг белгига ва тил тизими доирасидаги белгиларга ёки матнга муносабатидир.

Матннинг оғзаки ва ёзма турларидан қатъи назар адабиётшунос учун дастлаб бадиий ва нобадиий матн фарқланиши зарур. Бадиий матнда образ (тимсол) асосий фаолият воситаси ва ҳаракат қуроли хисобланади, нобадиий матнда эса концепт – тушунча, масала, муаммо ва бошқа жиҳатлар бу вазифани бажариши мумкин. Ҳар қандай вербал (сўз ёрдамида ҳосил қилинган) матн ўзининг

- А) коммуникатив – хабар бериш,
- Б) эвристик – маълумот тўплаш,
- В) концептуал – матн юборувчининг нуқтаи назари;
- Г) эмоционал – ҳис кўчириш белгиларига эга.

Бадиий матн булардан ташқари эстетик, ижтимоий, ахлоқий вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади. Бадиий матнда нутқ бирлик-лари хабар бериш, маълумот (ахборот) тарқатиш, фикр қўзғатиш билан чекланмайди, балки унинг зиммасига бадиий «юқ» ортилиши ва эстетик вазифани бажаришга сафарбар этилиши лозим. Сўзлар асосида шакллантирилган матнда сўзниң ўрни қатъий, маъноли ва ифодавий бўлмоғи лозим. Адабиётшунос учун матннинг ифодавий-лиги, яъни санъат асари сифатида муайян фикр ва туйғуларни ифодаловчи восита, ўз ўрнида тадқиқот обьекти бўлиши мумкин²⁰.

Бадиий матн уни ўраб турган нутқ фаолияти ва нутқдан ташқаридаги жараёндан чегараланган. Матннинг муайян мазмун-дорлик (маъно қатори)нинг нутқда (оғзаки ва ёзма) ифодаланиши адабиётшунос (фольклоршунос) учун муҳим саналади. “Хозирги олимлар, адабий-бадиий матн (нутқдан ташқари) «макон»и тарки-бига ёзувчи томонидан ифода қилинган ғоя, концепция, маъно ва бошқа бадиий мазмун жиҳатларини ҳам киритадилар”²¹. Бу жиҳат-дан «матн» ва «асар» сўзлари синоним бўлиши, бадиий матн эса бадиий асарга тенглаштирилиши мумкин. Матн ва асарнинг

¹⁹ Valérie Susana et Corroyer Grégory. Philosophie du langage de la communication. Ed.: Université Paris, 2001 pour la Revue Formules.

²⁰ Шулардан келиб чиқиб, бадиий матннинг хусусиятлари ва уни ўрганувчи фаннинг вазифалари белгиланади: Бу ҳақда қаранг. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. Т.: МУМТОЗ SO‘Z, 2015. Б. 192-194.

²¹ Қаранг: Долинин К.А. Интерпретация текста (Французский язык). М., 1983.

уму-мий жиҳати шундаки, ҳар иккиси ҳам муаллиф фикр ва туйғу-ларини тилда моддийлаштириб, муҳрлаб кўрсатади. “Асар матн-нинг мулоқот тизимиға киравчи социал вазифадорлиги, муаллиф – китобхон икки томонлама мулоқотининг натижасидир. Шунинг учун ҳам бадиий асар таҳлили қўп томонлама ёндашув (социо-логик, биографик, ижодий-генетик)ни талаб қиласиди”²². Ю.Лотман-нинг ёзишича, «матн ва бадиий асарнинг бир тушунча эканини қатъий рад этиш лозим. Матн бадиий асарнинг компонентларидан бири холос»²³. Бу ҳолда бадиий асар матнга нисбатан кенгроқ тушунча экани маълум бўлади. Бироқ ҳар қандай бадиий асарда эстетик мақсад матн орқали амалга оширилади. Шунингдек, адабиётшунослик илмида матн ҳақида нутқ бирликларининг қатъий ташкилланган изчиллиги деган қараш ҳам борки, бадиий асар таҳлилида мана шу жиҳатга кўпроқ эътибор қаратилади.

5. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика → структурал поэтика → семиотика.

Филология фанларида тизимли таҳлил моделини аниқлаш зарурати бор. Моделни аниқлаш тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга ёрдам беради.

Филологик тадқиқотларда бадиий матннинг тизимли модели

Лингвопоэтика → структурал таҳлил → семиотик таҳлил тарзида шакллантирилиши мумкин.

Лингвопоэтиканинг тизимли таҳлилдаги ўрни шунда кўрина-дики, лингвопоэтика бадиий матнни тил сатҳлари ва бадиий жиҳатлари бўйича таҳлил этишини зинмасига олиб, тизимли таҳлилнинг кейинги босқичларига асос яратади.

*Структурал поэтика*да матн маданият феномени сифатида масъул нутқий ҳаракат бўлиб, у вужудга келган макон ва замондан ташқарида «ишланади» мослаштирилган, чунки у муаллифи томони-дан жиддий қайта ишланади ва оҳор берилади.

Матнни семиотик аспектда ўрганиш нафақат бу соҳа мутахас-сислари, балки филологлар учун ҳам аскотарли усуздир. Бу жиҳат ёрдамида муаллифлик табиатига доир хусусиятлар аниқланади, адабиётнинг инсонлараро қиёсий мулоқот воситаси экани чукурроқ асосланади.

Бу жиҳатдан уч асосий муносабатлар тизими белгиланади:

Белгининг белгига муносабати: Б → Б = Лингвопоэтика.

Белгининг матнга муносабати: Б → М = структурал поэтика.

Белгининг адресатга муносабати: Б → А = семиотика.

Назарий манбаларда *матн трансформацияси* деб номланадиган ҳодиса мумтоз адабиёт шакллангунга қадар бўлган даврда ҳам, мумтоз адабиёт ва бугунги адабий жараёнда ҳам фаол кузатилади. Трансформация (ўзгартириш)

²² Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.140.

²³ Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Л., 1970. С.24-25.

истилоҳи физика орқали қабул қилинган бўлиб, у доимий кучланиши электр токини муваққатга (ёки аксинча) ўзгаририлиши учун қўлланилган²⁴.

Матн трансформацияси бир мавзу доирасидаги матнларни жанр ва сюжетига кўра ўзгаришидир. Бу поэтик ҳодисага айрим адабиётшунослар (А.Н.Веселовский) сюжет поэтикаси нутқай назаридан, айримлари (В.Б.Шкловский) янги жанрларнинг вужудга келиш омили деб қарашган. Одатда муаллиф матни аноним матнга нисбатан ўзгаришсиз деб олинади, бироқ бу матн таркибида бошқа матнга хос, лекин ўзгариш билан қабул этилган эпизод, фрагментларни кузатамиз. И.В.Стеблева қадимги тошбитиклар поэтикасини ўрганар экан, матн композицияси ва ритмик структурасидаги ўзгаришлар асосида Ўрхун-Энасой обидаларининг бадииятидаги поэтик тажрибанинг бир матндан иккинчисига ўтиши натижасида мумтоз адабиётнинг илк куртаклари шаклланган давр (VII-X асрлар)ни аниқлаган²⁵.

Матн трансформациясини В.Е.Хализев образли қилиб, «адабиёт ичидаги адабиёт» деб тушунтиради ва матн трансформациясига олиб келадиган омиллар стилизация, пародия, баён шакли, реминисценция ҳодисаларини таҳлил этади²⁶. Стилизация муаллиф нутқига кирмаган («бегона нутқ», М.Бахтин) персонажлар нутқининг тасвирдаги замон ва маконга кўра ўзгаририлиб, ўша муҳитга мос этиб шакллантиришидир. Бу жараёнда нутқ шакли ўзгаришсиз ҳисобланса-да, унинг услуби, манераси, ифода йўсини тасвирдаги муҳитга мослаштириб берилади.

М.Бахтин матннинг уч типини фарқлайди: намунавий (пример-ный), идрок этилувчи (воображаемый) ва конструкциялашган (конструированый)²⁷. Бу жиҳатдан ҳар бир тип иккинчиси билан тенг ҳукукли эмас, аксинча, уларни босқичма-босқич тушуниш лозим. Демак, идрок этилувчи матн таркибида намунавий матн жиҳатлари сақлангани каби конструкциялашган матн юқоридаги ҳар икки типга хос хусусиятларни ўзида бирлаштиради.

Бу усул, кўпинча, тарихий асарларда қўл келади.

1) анъанавий: Ойбекнинг «Навоий», О.Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романларида муаллифлар стилизация усули орқали матн трансформациясига йўл берганлар.

2) тушунилиши қийин бўлган матнларнинг идрок этилишини осонлаштириш мақсади билан ҳам стилизацияга мурожаат қиласидилар. Мак., Шекспир «Ҳамлет»ининг айрим сахна талқинла-рида Дания шаҳзодаси ўз даври «тили»да эмас, балки замонавий тил, ҳатто қўриниш (костюм)да ҳам томошибинлар қарписида намоён бўлиши мумкин.

²⁴ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.705.

²⁵ Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М.: Наука, 1976. С.6.

²⁶ Хализев В.Е. Теория литературы. С.261-272.

²⁷ Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, филологии и других гуманитарных науках / Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. С. 292.

3) матн трансформациясига пародия воситасида мурожаат М.Сервантеснинг «Дон Кихот» асарида шундай юксак шаклда эришиладики, натижада замонавий китобхон ушбу асар матни илк Европа уйғониш даври рицарлик романларига пародия сифатида ёзилганини унутиб, унинг воқеаларини аслида бўлиши мумкиндай қабул қиласидилар.

Матнда муаллиф ва «бегона» нутқи (муаллифга тегишли бўлма-ган – М.Бахтин) фарқланади ва айни замонда, баёнчи-қаҳрамонга муносабатда «икки овозли сўз» пайдо бўлади. Чунки баёнчи ва қаҳрамон (ровий ва персонаж) алоҳида-алоҳида субъект санала-дики, улар турлича идрок этилади ва хис қилинади. Яна шундай асарлар борки, унда «бегона» нутқи стилизацияга учрайди, яъни қаҳ-рамон нутқи замонга, мухитга ва унинг касбига мослаштирилади.

Матн таркибида муаллиф сўзи бўлмаган, стилизация ва паро-диядан фарқланувчи «бегона» нутқ тури – баён (сказ) мавжуд. Баёнчи нутқи орқали биз унинг «шахси»ни аниқлаб, кўпинча, пер-сонаж ёки муаллифга тегишли деб биламиз. «Баённинг тамойили шундайки, баёнчининг нутқига фақат интонацион-синтактик жиҳатдан эмас, балки лексик (сўз – Ҳ.Б.) маънолар билан ҳам ранг берилиши мумкин»²⁸. «Бегона» нутқи хусусиятларидан яна бири шуки, унинг сўзлари *реминисценция*, яъни ёзувчи матнида аввалги адабий ҳодиса ёки фактларга ҳавола тарзида кузатилади. Буни айрим мутахассислар «адабиётнинг адабиётдаги образи» деб айти-шади. Реминисценция матнда бир ўринда тўғридан-тўғри кўчирма тарзида (О.Ёқубовнинг «Кўхна дунё» асари – Ҳ.Б.) келиши мумкин ёки у нутқда қайта ишланиб, ишорага айланиши ҳам мумкин.

Структуралистлар матнга нисбатан янги назария ишлаб чиқди-лар: матнгача кечган ва ундан кейин содир бўладиган жараёнлардан матнни қатъий ажратиб, унга мутлақ автоном қиёфа бердилар. Белги, структура (таркиб), функция (вазифа) каби тушунчалар орқали матн таҳлилига киришдилар.

6. Илмий-назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ечими.

Тизимли таҳлил амалиёти орқали конкрет метод ёки методологик ёндашув натижасида эришилган хуласа ва қарор шакллантирилади. Масалан, М.Бахтиннинг узоқ йиллар давомида матн таҳлили бўйича қузатишлари олимнинг «*Тилишунослик, филология ва бошқа гуманитар фанларда матн муаммоси*» тадқиқотида ўз ечимини топган. Гарчи бу мақола тугал тадқиқот ҳисобланса-да, матн билан иш кўрадиган гуманитар фанлар учун асосий йўналиш беради. Муаллиф ёзишича, матн филология фанларида дастлабки *берилганлик* (первычна данность) сифатида қабул қилинади. «Матн шундай борлиқ (фикр ва туйғулар борлиғи) дирки, ундан барча гуманитар фанлар озиқланадилар. Қаердаки матн бўлмаса, у ерда тафаккур ва тадқиқ этилувчи

²⁸ Эйхенбаум Б.М. О литературе: Работы разных лет. М., 1987. С.419.

объект ҳам бўлмайди»²⁹. Аввал матнинг бирламчи эканига ишонч бўлиши керак, сўнгра унинг талқинига ўрин берилади. Шунинг учун ҳам тадқиқот мақсади қандай бўлишидан қатъи назар, бошланғич манзил (исходной пункт) матнидир.

Тилшунослик ҳам матн билан иш кўради, лекин яхлит бадиий асар билан эмас. Яъни у асар ҳақида нимани гапирса, унинг матнига тегишлидир. Соғлисоний муносабат – бу белгининг белгила ва тил тизими доирасидаги белгиларга ёки матнга муносабати – ифоданинг реал борликка ва бошқа реал ифодаларга муносабати ўша ифоданинг ҳақиқий, ёлғон ҳамда гўзал ва бошқалар эканини билдирадиган муносабат бўлиб, ҳеч қачон тилшунослик предмети бўла олмайди. Чунки тил бирликлари орасида тил тизимининг қайси даражасини олмайлик диалогик муносабат бўлиши мумкин эмас (фонема, морфема, лексема, гаплар ва бошқалар).

Ифодавийлик – бадиий матнни нутқий бутунлик сифатида сўнгги, юқори босқиҷидаги тил тизимининг асоси сифатида қабул этилмаслиги мумкин – у бутунлай бошқа даражадаги муносабатлар тизимига киради. Матннаги *ифодавийлик* – бу энди тил тизими эмас, аммо маъно (қадриятга, ҳақиқат ва гўзалликка бўлган баҳони ўз ичига олган) яхлит моҳиятга эга бўлган нутқий мулоқот бирлигидир.

Матн таҳлилига олиб структрап ёндашув натижасида олиб борадиган жиҳатлар таҳлилнинг барча формал жиҳатларига амал қилиниш билан бирга унинг замиридаги тагмаънони ва маънолар майдонидаги ўрнини белгилаш билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги модул бўйича лингвопоэтикада *подтекст* инобатга олинади, лекин структурал таҳлилгина *контекстни юзага чиқа-ради*. Семиотик таҳлил эса бу икки тушунча билан кифояланмай *интертекстуалликни* ҳам талаб қиласиди.

Подтекст – (калкалаш орқали рус тилига олинган – инглизча: *subtext*; ўзбекча: матности) – жиддий ва чуқур адабий асарларда ички «сувости оқими» бўлиб, асарнинг асосий концепциясини ташийди³⁰. Э.Хемингуэй бадиий асарда “айсберг” ғоясини илгари сурган. Унингча, асар маънонинг ўндан бир қисмини олиб кўрса-тади, ўндан тўққизи эса матностида қолади. Матности нутқ бирлик-ларида кузатган В.В.Виноградов бу ҳолатда «сўзнинг тўғри лексик маъноси ўз моҳиятини йўқотади ва нутқнинг ички мазмунини белгилайди» деб ёзади³¹. Ж.Куддон пьесанинг матности хусусияти ҳақида гапириб, айрим персонажлар ўzlари қатнашаётган уруш моҳиятини англамасликлари мумкин. Матности яширин ситуация-ларда, сюжет оғушида

²⁹ Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, филологии и других гуманитарных науках / Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. С. 297 (Маколанинг ўзбекча таржимаси учун қаранг: М.Бахтин. Тилшунослик, филология ва бошқа гуманитар фанларда матн муаммоси. Ҳ.Болтабоев тарж. // Филология масалалари. 2016. 4-сон; 2017. 1-сон.

³⁰ Борев Ю.Б. Энциклопедический словарь эстетики и теории литературы. М., 2008. Электронная версия. П-42.

³¹ Виноградов В.В. Поэтика и ее отношение к лингвистике и теории литературы / Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. М., 1963. С.164-200.

күринади. Бу истилох XX аср сүнгидә “яширин дастур”га алмашинганини ёзади³².

Контекст (лотинча: *contextus* – боғланиш, занжир) – матн-нинг маъно майдони бўлиб, унда бадий матннаги ҳар бир ички қурилма маъно томонидан бошқарилади, асар талқинида мана шу майдоннаги маъно назарда тутилади. Ҳ.Бенак бу истилоҳни маъно бирлиги сифатида қабул қилган ва ички алоқадорлик туфайли матннинг айрим қисмларининг ажратилиб кўрсатилишини назарда тутган³³. Бу маъно майдони бир жумла таркибида, бир хатбоши (абзац) ёки шеърдаги бир банд (строфа) орасида ёки умуман, бутун матннинг ичидаги бўлиши мумкин. Матн майдонининг бузилиши матннинг бадий бутунлигига ўз таъсирини ўтказади ва бадий образ орқали ифода этилаётган муаллиф фикрини нотўғри тушу-нишга олиб келади³⁴. Бу гўёки мумтоз адабиётдаги «иҳом» санъа-тини эслатади, муаллиф сўзнинг ёки жумланинг матннаги зоҳирий маъносини эмас, аксарият ҳолда ботиний маъносини назарда тутади. Бу ҳолат ҳар қандай матнда, хусусан, шеърий нутқ асосига қурилган асарларда ва тасаввуфий талқиннаги рамз ва ишораларга бой матнларда учрайди.

Интертекстуаллик (французча: *intertextuality*; сўзма-сўз маъно-си: матнларораси) – бадий матннинг ички алоқадорлиги бўлиб, у ташқи ҳаёт воқеаларига эмас, балки матннинг ўзига ва бошқа матн-ларга муносабатидир. Интертекстуаллик ҳодисаси структурализм (Р.Барт)³⁵ ва унинг асосидаги постструктурализм истилоҳи сифати-да майдонга чиқсан. Ю.Кристеванинг ёзишича, ҳар қандай матн кўчирмалар (кенг маънодаги) мозаикасини эслатади ва қандайдир бошқа бир матннинг трансформацияси каби хотирада сақланади. Шунинг учун (М.Бахтиндаги – Ҳ.Б.) интерсубъективлик ўрнига *интертекстуаллик* тушунчасини киритиш лозим. Чунки “адабий сўз” – матн майдонларининг туташув жойи, турли хил ёзувлар диалогидир”³⁶.

Сўнгги икки асар бўсағасида энг кўп мунонаралар обьектига айланган ҳодиса *интертекстуалликни* «аноним формулаларда умумий майдонда» учрайдиган матн таркибида келган аввалги асарларнинг маълум қисми (аъзоси), улар “қўштироқсиз келти-рилган, онгсиз ёки автоматик тарзда ишлатилган матн» аъзолари-дир, каби тушунтириш кенгайган.³⁷ Интертекстуалликнинг бундай маъно жиҳатдан кенгайишини асослаган Ж.Куддон “у матнлар орасидаги (адаптация, таржима, тақлид, аллюзия, плалият, пародия) турли хил кўплаб алоқалар” деб тушунтиради ва структурализм бўйича, матн – бу тизим, бунда тил реалликка эмас, балки ўша матн ичига ва унинг образларига муносабатдир” деган фикрни ёқлайди³⁸.

³² Guodon J.A. A Dictionary of Literary Terms. N.-Y., 1972.

³³ Benac H.V. Nouveau Vocabulaire de la Dissertation et des Etudes Litteraires. Paris, 1982.

³⁴ Литературный энциклопедический словарь / Под ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.165.

³⁵ Барт Р. Избранные работы. Семиотика.Поэтика. М., 1989. С. 428.

³⁶ Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог, роман (1967) // Французская семиотика. От структурализма к постструктурализму. М., 2000. С. 429.

³⁷ Современное зарубежное литературоведение: Энциклопедический справочник. М., 1979. С. 281.

³⁸ Guodon J.A. A Dictionary of Literary Terms. N.-Y., 1972.

Кўринадики, замонавий филологик тадқиқотларда у хоҳ соф лингвистик йўналишда бўлсин ёки лингвопоэтик ҳамда систем-структур моҳият касб этсин ёҳуд антропоцентик мазмунда талқин этилсин; адабиётшунослиқда эса матнга муносабатда формал- структурал, “янги танқид” ва нарратологик йўналишларда муносабатда бўлинганида тизимли таҳлил юзага чиқади ва ўз имкониятларининг кенглигини намойиш этади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Тизим деганда нимани тушунасиз?
2. Тизимли таҳлилнинг моҳияти нимада ва уни филологик тадқиқотларда қандай амалга ошириш мумкин?
3. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқи нимада?
4. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилишининг кўшимча услубларини қўллашга ёрдам берадиган усулларни топинг.
5. Тадқиқот обьектини яхлит тушунишга ҳаракат қилинг ва тушунгандарингиз асосида ўз соҳангизда тизимли таҳлилни ташкил этиш мумкинлигини таъминланг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1–амалий машғулот: Тизимли таҳлилнинг терминологияк асослари ва йўналишлари

1. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси
2. Тизимли таҳлилнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.
3. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш.
4. Бадиий матнга тизимли ёндашув. Таҳлил жараёнларининг кетмакетлиги ва яхлитлиги.

Ишдан мақсад: Тизимли таҳлилнинг терминологияк асосларини топиш. Таҳлил жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган фаол терминлар жалвалини тузиш ва уларни изоҳлаш (бу жараёнда 2-бўлимда тавсия этилган интерфаол методлардан фойдаланиш). Тизимли таҳлилнинг ривожланиш босқичларини мавжуд назарий адабиётлар (3-бўлим адабиётлари) бўйича аниқлаш. Аналитик тадқиқотлар тизимида ТТни ташкил этиш имкониятларини белгилаш ва йўналишларини аниқлаш. Бадиий матнга тизимга ёндашув-да матн турлари, хоссалари, трансформациясини таҳлилга тортиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи тавсия этилган режа асоси-да илмий адабиётлар билан танишади, атама ва истилоҳлар моҳия-тини луғат ва энциклопедиялардан конспект олади ва тизимли таҳлилга бадиий матннинг структурал таҳлили ёрдамида киришади.

Ишни бажариш учун намуна. Мазкур мавзунинг намунаси “Глоссарий” бўлимида берилган. Уларни ўрганинг ва шу тартиб асосида унда акс этмаган атама ва истилоҳлар жадвалини тузинг.

Ишдан мақсад: Тизимли таҳлилнинг терминологияк асосларини топиш.
Тизимни таснифлашга доир кўрсатма:

| Белгилар: | Синфлар (таснифлар): |
|-------------------------|--|
| Узвлар табиати | табиий (аниқ) – мавҳум (абстракт) |
| Ҳаракат характери | бошқарилади – бошқарилмайди |
| Хоссаларнинг ўлчови | статик – динамик |
| Мураккаблик даражаси | оддий – мураккаб – улкан (ўта мураккаб) |
| Келиб чиқиши | табиий – сунъий (ишлаб чиқарилган) |
| Тасодифийлик мавжудлиги | детерминик (ўсиш) – стохастик (тўхтаб қолиш) |

| | |
|------------------------------|-------------------------------------|
| Ташқи мұхиттегі алоқадорлиги | очиқ ва ёпиқ (бевосита – билвосита) |
|------------------------------|-------------------------------------|

Ишни бажариш учун намуна.

Тизимли таҳлилнинг турли фан соҳаларидағы методлар:

- мавхумийлик ва аниқлик;
- анализ ва синтез;
- индукция ва дедукция;
- формал ва аник (табиий);
- композиция ва декомпозиция;
- чизиқлийлик ва ноғизиқлийлик (рақамли ёки механик);
- таркибий ва таркибсиз (структурив ва деструктив);
- моделлаштириш ва тажрибавий (экспериментал);
- дастурий бошқарув (алоҳида талаб доирасида) ва доимий;
- аниқлаш ва идентификация;
- кластер ва таснифлаш;
- тажрибавий баҳолаш ва тестлаш каби ўнлаб ўнлаб методларни бирлаштиради³⁹.

Муаммолар ечимиға киришишада ўтиладиган босқичлар:

- муаммони белгилаш (формулировка қилиш);
- мақсадни аниқлаш;
- мақсадга эришиш критерийлари (ўлчовлари)ни белгилаш;
- моделлаштириш: ечимни асослаш учун моделни қуриш;
- ечимнинг оптималь вариантини излаш;
- ечим (қарор бериш)га киришиш;
- қарор (ечим)ни амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш;
- ечим (қарор)ни тасдиқлаш;
- ечим реализацияси жараёнини бошқариш;
- ечимнинг самарадорлигини текшириш.

Филологик тадқиқотларда тизимлилік.

Филологик тадқиқотлар филологик тизимнинг муайян қисмини ташкил қиласы. Тизимлилік филология фанларининг ўзаро алоқадорлигига күзга ташланады. Замонавий филологиянинг соҳалари сифатида тилшунослик, фадабиётшунослик, фольклоршунослик, матншунослик, таржимашунослик каби аспектлар белгиланаар экан, уларни алоҳида мустақил фан сифатида

³⁹ Сафронов В. Лекции по системному анализу. Электронная версия / ru.wikipedia.org

қабул қилиш баробарида ўзаро алоқадорлигига суюниш ва бири иккинчисини тақозо қилиниши нұқтаи назаридан ёндашиш зарур. Бундаң қараш тарихда илми адаб ва унинг таркибига кирган фанларда акс этган:

Илми адаб (Гарб истилоҳига қўра: поэтика) зарурий, энг муҳим илмлар мажмуаси ҳисобланиб, қўйидаги филологик соҳаларни ўз ичига олади: *лугат* (1), *сарф*, яъни морфология (2); *ишиқоқ* – сўз ясалиши (3); *наҳв* – синтаксис (4), *маоний* (5), *баён* илми (6), *аруз* (7), *қофия* (8), *иншио* (9), шеър фарзи – *бадоеъ* (10), *муҳозара* – тарихий воқеа ва ривоятлардан фойдаланиш (11), *расму-л-хат* (12). Мазкур илми адабни эгаллаганлар *адиб* (юононча: филолог) деб юритилган⁴⁰.

Демак, филология фанларига илмий тизим сифатида қараш ўтмиш фаншунослигида бўлган, унга *Ибн Муътазз* исмли араб олими X асрда асос солган. Бироқ мана шу соҳаларнинг бири иккинчисини тақозо этадиган ва бир объектга муносабатда уларни бирваракайига тизимли жиҳатдан қўллаш XX филологиясининг ҳосиласидир.

Филологик тадқиқотлардаги тизимлилик матнга бўлган муносабатда аниқ кўзга ташланади. Чунки бир матнни филологиянинг турли сатҳлари бўйича таҳлил қилгандагина унинг аниқ жиҳатларига эришиш мумкин.

Муаммолар таснифи ТТ да муҳим ўрин тутади. Умумий ҳолда уларни қўйилагича таснифлаш мумкин:

3. Яхши таркибланган (структураний) – *well-structured*;
4. Бўш таркибланган (слабо структурированный) – *ill-structured*;
5. Таркибланмаган ёки ўзаро миқдорий алоқада бўлган (неструктурированный) – *unstructured*;

Муаммолар ечимиға киришишда шундай этаплардан ўтилади:

- муаммони белгилаш (формулировка қилиш);
- мақсадни аниқлаш;
- мақсадга эришиш критерийлари (ўлчовлари)ни белгилаш;
- моделлаштириш: ечимни асослаш учун моделни қуриш;

⁴⁰ Болтабоев Х. Адабиёт энциклопедияси. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2015. Б.

- ечимнинг оптималь вариантини излаш;
- ечим (қарор бериш)га киришиш;
- қарор (ечим)ни амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш;
- ечим (қарор)ни тасдиқлаш;
- ечим реализацияси жараёнини бошқариш;
- ечимнинг самарадорлигини текшириш.

Кўптармоқли ва қўпомилли муаммоларда алгоритмни аниқроқ кўйиш:

- *муаммонинг мавжудлиги шартини таслиқлаш: ВА (ҳа), ЁКИ (аниқ эмас), ЙЎҚ.*
- *Мақсадни бирор ечим сари йўналтириш: ВА (ҳа)лар ЁКИ га айланади ва аксинча: ЁКИ ВАга айланади, лекин ЙЎҚқа айланмайди.*
- Бир муаммо таҳлили ва ечимидан иккинчисини чиқариш;
- Ҳар бир топилган ечим йўлларини баҳолаб бориш;

Тадқиқот объектини яхлит ушуниш деганда тадқиқот объекти тизимли суратда бири иккинчисини тақозо қиласидиган компонентлардан тузилиши белгиланади.

Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характеристи.

Тизимлар турлича бўлиши билан бирга у структурал характерга эга, яъни унинг компонентлари ўзаро муносабатга киришиб, структрани ташкил қиласиди. Тилшунос олим Э.Бенвенист уни шундай хусусиятларини фарқлаб кўрсатади:

- 5) қисмлар устидан ҳукм юргизадиган муайян бутунлик (яхлитлик) бирлиги;
- 6) бирликлар алоҳида маҳсус барқарор тамойиллар асосида шакл жиҳатдан тартибланади;
- 7) бутуннинг барча қисмлари алоҳида вазифани бажариш барбарида структурал характерга эга бўлади;

8) бу маълум бир сатҳнинг бирлиги (яъни элемент) ва ўз навбатида бутуннинг бўлаги (компонент)дир⁴¹.

Тизим ва структура муносабатида: *Структура – маркиб, маркибланиши тамойилларига амал қилинishiда тизимли таҳлил натижаларига яқинлашади.*

Таҳлил жараёнининг тизимли характери *таҳлилга объектнинг барча сифат, хосса ва хусусиятларини жалб қила билишида кўринади.*

Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари.

Тизимли таҳлил (ТТ)нинг тизимли ёндашув (ТЁ)дан фарқли жиҳатларни нималарда кўринади:

Илмий истилоҳ сифатида уларни фарқлаш зарур:

ТТ – юқорида айтилган жиҳатлари билан эътиборли, яъни у таҳлилий жараён;

ТЁ – аниқ объектга тизимли муносабатни ифодалайди; у метод ёки методология эмас, балки унга ёндошиш тамойилларини акс эттиради.

XX аср ўрталаридан ТЁ илмий тадқиқотларга кириб кела бошлади.

Объектга умуммилмий ва специфик муносабати билан ТТ дан фарқ қиласди.

ТЁ ўзининг қатор хусусиятлари билан структурализм ва структурал—функционал таҳлилга яқинлашади. Чунки бу ўринда умуман, таҳлил жараёни эмас, балки объектга аниқ ёндашув тури ва натижага олиб борувчи йўллари езвизрдв тутилган.

Бу икки тушунча кўпинча бири иккинчиси ўрнида қўлланилиши ҳам мумкин, бироқ уларнинг бири жараён, иккинчиси муносабат эканини унутмаслик лозим.

ТТ турли фан соҳаларида қуйидаги тизимли методларга эга:

- мавҳумийлик ва аниқлик;
- анализ ва синтез;

⁴¹ Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974. С.58.

- индукция ва дедукция;
 - формал ва аниқ (табиий);
 - композиция ва декомпозиция
 - чизиқлилик но чизиқлилик (рақамли ёки механик)
 - таркибий ва таркибсиз (структурив ва деструктив)
 - моделлаштириш ва тажрибавий (экспериментал)
 - дастурый бошқарув (алоҳида талаб доирасида) ва доимий
 - аниқлаш ва идентификация
 - кластер ва таснифлаш
 - тажрибавий баҳолаш ва тестлаш
- каби ўнлаб ўнлаб методларни бирлаштиради⁴².

2-амалий машғулот: Тилшунослик (Адабиётшунослик)ка доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари

Режса:

1. Адабиётшунослик (Тилшунослик) тизими ва бадиий матн тузилмаси.
2. Тизимли таҳлилда услугуб ва тизимлилик.
3. Тизимли таҳлилда миқдорийлик ва сифат. Уларнинг нисбати ва бирлиги.
4. Матнга индивидуал ёндашувда тизимлилик. Талабаларда ижодий ва тизимли ёндошувни шакллантириш.

Ишдан мақсад: Тилшунослик (Адабиётшунослик) тизимини аниқлаш ва унинг таркибига кирган фан соҳалари ҳамда сатҳла-рини белгилаш. Бадиий матн тузилмаси яратиш. Тизимли таҳлилда услугуб ва тизимлилик, миқдорийлик ва сифат даражаларини аниқ-лаш. Матнга индивидуал ёндашувни шакллантириш.

Ишни бажариш учун намуна: Баён қилинган назарий машғу-лотларнинг маъруза матнлари асосида Филологик таълимнинг тизимли таҳлил тамойилларини аниқлаш. Тавсия этилган режалар бўйича ишлаш ва конспектлаштириш.

Матннинг оғзаки ва ёзма турларидан қатъи назар адабиётшунос учун дастлаб бадиий ва нобадиий матн фарқланиши зарур. Бадиий матнда образ

⁴² Сафронов В. Лекции по системному анализу. Электронная версия / ru.wikipedia.org

(тимсол) асосий фаолият воситаси ва ҳаракат қуроли хисобланади, нобадий матнда эса концепт – тушунча, масала, муаммо ва бошқа жиҳатлар бу вазифани бажариши мумкин. Ҳар қандай вербал (сўз ёрдамида ҳосил қилинган) матн ўзининг

- А) коммуникатив – хабар бериш,
- Б) эвристик – маълумот тўплаш,
- В) концептуал – матн юборувчининг нуқтаи назари;
- Г) эмоционал – ҳис кўчириш белгиларига эга.

Ишни бажариш учун намуна: Баён қилинган назарий машғу-лотларнинг маъруза матнлари асосида Филологик таълимнинг тизимли таҳлил тамойилларини аниқлаш. Тавсия этилган режалар бўйича ишлаш ва конспектлаштириш.

М.Бахтин матннинг уч типини фарқлайди: намунавий (примерный), идрок этилувчи (воображеный) ва конструкциялашган (конструированный)⁴³. Бу жиҳатдан ҳар бир тип иккинчиси билан тенг ҳукуқли эмас, аксинча, уларни босқичма-босқич тушуниш лозим. Демак, идрок этилувчи матн таркибида намунавий матн жиҳатлари сақлангани каби конструкциялашган матн юқоридаги ҳар икки типга хос хусусиятларни ўзида бирлаштиради.

Бу усул, кўпинча, тарихий асарларда қўл келади.

4) анъанавий: Ойбекнинг «Навоий», О.Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романларида муаллифлар стилизация усули орқали матн трансформациясига йўл берганлар.

5) тушунилиши қийин бўлган матнларнинг идрок этилишини осонлаштириш мақсади билан ҳам стилизацияга мурожаат қиласидилар. Мас., Шекспир «Ҳамлет»ининг айрим саҳна талқинла-рида Дания шаҳзодаси ўз даври «тили»да эмас, балки замонавий тил, ҳатто қўриниш (костюм)да ҳам томошабинлар қаршисида намоён бўлиши мумкин.

6) матн трансформациясига пародия воситасида мурожаат М.Сервантеснинг «Дон Кихот» асарида шундай юксак шаклда эришиладики, натижада замонавий китобхон ушбу асар матни илк Европа уйғониш даври рицарлик романларига пародия сифатида ёзилганини унутиб, унинг воқеаларини аслида бўлиши мумкиндай қабул қиласидилар.

Ўз обьектига кўра тизимли муносабатдан, яъни адабиёт (матн)га қайси жиҳатдан ёндашилаётганига қараб унинг обьекти ва предмети белгиланади:

1. *Матнга* асосланган назариялар (формал-структурал ёндашув, янги танқид, нарратология) учун бадий матн назарий фаннинг бирламчи обьекти булгани учун матн моҳияти (назарияси), таркиби (структураси),

⁴³ Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, филологии и других гуманитарных науках / Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. С. 292.

талқини (герменевтикаси), ифодавийлиги каби илмий муаммолар бу йўналишдаги таҳлилий жараённинг предметини ташкил қиласди.

2. *Муаллифни ўрганишга қаратилган назариялар (биографик ва психоаналитик ёндашув, шу билан бирга феминистик адабиётшунослик, феноменологик тадқиқотлар учун объект бадиий ижод ёки муайян ижодкорнинг асарлари бўлгани учун ҳам унинг предметини муаллиф услуби, услубни рўёбга чиқарувчи ташқи (метод, жанр ва бошқалар) ва ички хусусий ҳоллар (дунёқарашиб, ёзиш қоидалари, маҳорат) кабилар ушбу йўналишдаги назарий қарашларнинг предметини ташкил қиласди.*

3. *Китобхонга қаратилган назариялар (рецептив эстетика, асарни идрок этиш тарихи; тарихий-функционал тадқиқотлар) учун китобхон асосий объект сифатида юзага чиқади ва бу бўлимнинг предметини - бадиий матн идроки, уни қабул қилиш усуслари, бадиий мулоқот (коммуникация) қонуниятлари ташкил қиласди.*

4. Адабий ва маданий-тарихий **контекстга** оид назариялар (*реминисценция, интертекстуал*) тадқиқотлар, социологик ва тарихий-материалистик ёндашув, “янги историзм” ва культурологик методология кабилар учун тадқиқот обьекти адабий жараён масалалари бўлгани учун ҳам бу йўналиш учун адабиёт назарияси фан предмети сифатида адабий жараён масалалари, анъанавийлик-издошлик ва ворислик, терминология ва уларнинг идентификацияси каби масалаларни белгилаш мумкин.

Бу назария ва концепцияларда ёндашув турлича бўлишидан қатъи назар, адабиётшунослик фанининг обьектини юқоридаги қарашларни умумлаштирган ҳолда

МАТН→ИЖОДКОР→ИДРОК ЭТУВЧИ (АДРЕСАТ) →АДАБИЙ ЖАРАЁН

сифатида белгилаш мумкин. Бироқ бу муносабатлар тизими адабиёттшуносликнинг ўз обьектига муносабати орқали тадқиқ предметини юқоридагича унинг назарий йўналишларидан келиб чиқиб белгилаш имконини беради.

Табиийки, китобхон ва унинг маданий-бадиий даражаси фақат жамият фикрини ифодалабгина қолмай, адабий жараён сифатини ҳам белгиловчи омиллардан саналади. М.Бахтин санъатнинг *диалогик характери* хусусида ёзаркан, китобхонга адабий жараён иштирокчиси сифатида қарайди, унинг айрим ҳолларда “ҳаммуаллиф” эканлиги адабиётшуносликда айрим герменевтик хусусиятлар давомийлиги сифатида кенг қабул қилиниши лозимлигини уқтиради. М.Бахтиннинг ёзишича, “*бадиий асар тизими (структураси)га тингловчи (ўқувчи, кузатувчи)* ҳам қўшилади... гўё муаллиф билан бундай ўқувчи ўртасида ҳеч қандай ўзаро ҳаракат, фаол драматик муносабатлар бўлиши мумкин эмасдай (*кўринса ҳам*), бу овозлар эмас, балки ўзаро тенг ҳуқуқли зарур тушиунчалардир”.⁴⁴

Адабиётшунос ёки назариётчи олим ҳам адабий жараёнда дастлаб китобхон-реципиент сифатида қатнашади, сўнгра касбий маҳоратига қараб, профессионал китобхон, ташвиқотчи, талқинчи, танқидчи ва таҳлилчи адабиётшунос бўлиб етишиши мумкин.

Матн филологик фанлар тизимида. Филологиянинг йўналишлари орасида дастлаб *тилишуносликда* фаол истеъмолда бўлган “матн тишлинос учун муайян хусусиятлар мажмуига эга бўлган, табиий (миллий) тилни қўллаш актидир”.⁴⁵ Лингвистик таълимотда матннинг мантиқий алоқадориги ва шаклий тугалланганлиги асосий хусусият саналади. Шунинг учун ҳам унга “маъно алоқадорлиги асосида бирлашган вербал (сўз) белги бирликларининг тизими, унинг асосий хусусияти боғлиқлик ва яхлитликдир” деб таъриф берадилар⁴⁶.

Матн тишлинослиги деб номланувчи тил илми матнни шакллантирилган нутқ сифатида қабул қилиб, унинг маъновий ва шаклий қурилишига аҳамият қаратади. С.Валернинг ёзишича, матн лингвистик намуна сифатида уч маъновий жиҳатни қамрайди:

⁴⁴ Бахтин М.М. К методологии гуманитарных наук / Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. М., 1986. С. 388.

⁴⁵ Хализев В.Е. Теория литературы. Изд. 4. М.: Высшая школа, 2005. С.254.

⁴⁶ Большой энциклопедический словарь: Языкознание / Под ред. В.Н.Ярцевой. М.: БРЭ (Большая Российская энциклопедия), 1998. С. 507.

- 1) чизиқли (синтактик маъно) → нима ҳақда (хабар);
- 2) референцион (семантич маъно) → нима билан (алоқа воситаси);
- 3) утилитар (прагматик маъно) → нимани (тавсия этилаётган оеаллик, мавзу бўлиши мумкин) гапиради.

Шу жиҳатдан матн воситасида уч саволга жавоб олинади: 1) матн нима ҳақда гапиради (матн мазмунидаги хабар); 2) матн нима билан гапиради – тил (алоқа воситаси); 3) нимани гапиради (тавсия этаётган реаллик концепцияси)⁴⁷. Тилшунос матндағи фикрлаш тарзи, мантиқдаги «силлогизм»дан кўра унга грамматик кўринишдаги гаплар, конструкцияланган лексик ва стилистик бирликлар жиҳатидан қарайди. Соғ лисоний муносабат – бу белгининг белгига ва тил тизими доирасидаги белгиларга ёки матнга муносабатидир.

Матннинг оғзаки ва ёзма турларидан қатъи назар адабиётшунос учун дастлаб бадиий ва нобадиий матн фарқланиши зарур. Бадиий матнда образ (тимсол) асосий фаолият воситаси ва ҳаракат қуроли ҳисобланади, нобадиий матнда эса концепт – тушунча, масала, муаммо ва бошқа жиҳатлар бу вазифани бажариши мумкин. Ҳар қандай вербал (сўз ёрдамида ҳосил қилинган) матн ўзининг

- A) коммуникатив* – хабар бериш,
- Б) эвристик* – маълумот тўплаш,
- В) концептуал* - матн юборувчининг нуктаи назари;
- Г) эмоционал* - ҳис кўчириш белгиларига эга.

Бадиий матн эса булардан ташқари *эстетик*, *ижтимоий*, *ахлоқий* вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади. Бадиий матнда нутқ бирликлари хабар бериш, маълумот (ахборот) тарқатиш, фикр қўзғотиш билан чекланмайди, балки унинг зиммасига бадиий «юк» ортилиши ва эстетик вазифани бажаришга сафарбар этилиши лозим. Сўзлар асосида шакллантирилган матнда сўзниң ўрни қатъий, маъноли ва ифодавий бўлмоғи лозим.

⁴⁷ Valérie Susana et Corroyer Grégory. Philosophie du langage de la communication. Ed.: Université Paris, 2001 pour la Revue Formules.

Адабиётшунос учун матннинг ифодавийлиги, яъни санъат асари сифатида муайян фикр ва туйғуларни ифодаловчи восита, ўз ўрнида тадқиқот объекти бўлиши мумкин⁴⁸.

Бадиий матн уни ўраб турган нутқ фаолияти ва нутқдан ташқаридаги жараёндан чегараланган. Матннинг муайян мазмундорлик (маъно қатори)нинг нутқда (оғзаки ва ёзма) ифодаланиши адабиётшунос (фольклоршунос) учун муҳим саналади. “Хозирги олимлар, адабий-бадиий матн (нутқдан ташқари) «макон»и таркибига ёзувчи томонидан ифода қилинган ғоя, концепция, маъно ва бошқа бадиий мазмун жиҳатларини ҳам киритадилар”⁴⁹. Бу жиҳатдан «матн» ва «асар» сўзлари синоним бўлиши, бадиий матн эса бадиий асарга tenglashтирилиши мумкин. Матн ва асарнинг умумий жиҳати шундаки, ҳар иккиси ҳам муаллиф фикр ва туйғуларини тилда моддийлаштириб, муҳрлаб кўрсатади. “Асар матннинг мулоқот тизимиға киравчи социал вазифадорлиги, муаллиф – китобхон икки томонлама мулоқотининг натижасидир. Шунинг учун ҳам бадиий асар таҳлили кўп томонлама ёндошув (социологик, биографик, ижодий-генетик)ни талаб қиласи”⁵⁰. Ю.Лотманнинг ёзишича, «матн ва бадиий асарнинг бир тушунча эканини қатъий рад этиш лозим. Матн бадиий асарнинг компонентларидан бири холос»⁵¹. Бу ҳолда бадиий асар матнга нисбатан кенгроқ тушунча экани маълум бўлади. Бироқ ҳар қандай бадиий асарда эстетик мақсад матн орқали амалга оширилади. Шунингдек, адабиётшунослик илмида матн ҳақида нутқ бирликларининг қатъий ташкилланган изчиллиги деган қараш ҳам борки, бадиий асар таҳлилида мана шу жиҳатга кўпроқ эътибор қаратилади.

Филология илмида тизимли таҳдил модели: лингвопоэтика → структурал поэтика → семиотика

⁴⁸ Шулардан келиб чиқиб, бадиий матннинг хусусиятлари ва уни ўрганувчи фаннинг вазифалари белгиланади: Бу ҳақда қаранг. *Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси*. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2015. Б.

⁴⁹ См.: Долинин К.А. Интерпретация текста (Французский язык). М., 1983.

⁵⁰ Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.140.

⁵¹ Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Л., 1970. С.24-25.

Филология фанларида тизимли таҳлил моделини аниқлаш зарурати *Бор*, модельни аниқлаш тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга ёрдам беради.

Филологик тадқиқотларда бадий матннинг тизимли модели *Лингвопоэтика* → структурал таҳлил → семиотик таҳлил тарзида шакллантирилиши керак.

Лингвопоэтиканинг тизимли таҳлилдаги ўрни: *Лингвопоэтика* бадий матнни тил сатҳлари бўйича ва бадий жиҳатларини таҳлил этишини зиммасига олиб, тизимли таҳлилнинг кейинги босқичларига асос яратади.

Структурал поэтикада матн маданият феномени сифатида масъул нутқий ҳаракат бўлиб, у вужудга келган макон ва замондан ташқарида «ишлашга» мослаштирилган, чунки у муаллифи томонидан жиддий қайта ишланади ва охор берилади.

Матнни семиотик аспектда ўрганиш нафақат бу соҳа мутахассислари, балки филологлар учун ҳам асқотарли усуздир. Бу жиҳат ёрдамида муаллифлик табиатига доир хусусиятлар аниқланади, адабиётнинг инсонлараро қиёсий мулокот воситаси экани чуқурроқ асосланади.

Бу жиҳатдан ус асосий муносабатлар тизими белгиланади:

Белгининг белгига муносабати: Б → Б = Лингвопоэтикада.

Белгининг матнга муносабати: Б → М = структурал ёндашувда.

Белгининг адресатга муносабати: Б → А = семиотикада.

Назарий манбаларда *матн трансформацияси* деб номланадиган ҳодиса мумтоз адабиёт шакллангунга қадар бўлган даврда ҳам, мумтоз адабиёт ва бугунги адабий жараёнда ҳам фаол кузатилади. Трансформация (ўзгартириш) истилоҳи физика орқали қабул қилинган бўлиб, у доимий кучланишли электр токини мубаққатга (ёки аксинча) ўзгартирилиши учун қўлланилган⁵².

Матн трансформацияси бир мавзу доирасидаги матнларни жанр ва сюжетига кўра ўзгаришидир. Бу поэтик ҳодисага айrim адабиётшунослар

⁵² Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.705.

(А.Н.Веселовский) сюжет поэтикаси нуқтаи назаридан, айримлари (В.Б.Шкловский) янги жанрларнинг вужудга келиш омили деб қарашган. Одатда муаллиф матни аноним матнга нисбатан ўзгаришсиз деб олинади, бироқ бу матн таркибида бошқа матнга хос, лекин ўзгариш билан қабул этилган эпизод, фрагментларни кузатамиз. И.В.Стеблева қадимги тошбитиклар поэтикасини ўрганар экан, матн композицияси ва ритмик структурасидаги ўзгаришлар асосида Ўрхун-Энасой обидаларининг бадииятидаги поэтик тажрибанинг бир матндан иккинчисига ўтиши натижасида мумтоз адабиётнинг ilk куртаклари шаклланган давр (VII-X асрлар)ни аниқлаган⁵³.

Матн трансформациясини В.Е.Хализев образли қилиб, «адабиёт ичидағи адабиёт» деб тушунтиради ва матн трансформациясига олиб келадиган омиллар стилизация, пародия, баён шакли, реминисценция ҳодисаларини таҳлил этади⁵⁴. Стилизация муаллиф нутқига кирмаган («бегона нутқ», М.Бахтин) персонажлар нутқининг тасвирдаги замон ва маконга кўра ўзgartирилиб, ўша муҳитга мос этиб шакллантирилишидир. Бу жараёнда нутқ шакли ўзгаришсиз ҳисобланса-да, унинг услуби, манераси, ифода йўсими тасвирдаги муҳитга мослаштириб берилади. Бу усул, кўпинча, тарихий асарларда қўл келади.

7) Анъанавий: Ойбекнинг «Навоий», О.Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романларида муаллифлар стилизация усули орқали матн трансформациясига йўл берганлар.

8) Тушунилиши қийин бўлган матнларнинг идрок этилишини осонлаштириш мақсади билан ҳам стилизацияга мурожаат қиласидилар. Мас., Шекспир «Ҳамлет»ининг айрим саҳна талқинларида Дания шаҳзодаси ўз даври «тили»да эмас, балки бугунги замонавий тил, ҳатто кўриниш (костюм)да ҳам томошабинлар қаршисида намоён бўлиши мумкин.

⁵³ Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М.: Наука, 1976. С.6.

⁵⁴ Хализев В.Е. Теория литературы. С.261-272.

9) Матн трансформациясига пародия воситасида мурожаат Сервантеснинг «Дон Кихот» асарида шундай юксак шаклда эришиладики, натижада замонавий китобхон ушбу асар матни илк Европа уй-ониш даври рицарлик романларига пародия сифатида ёзилганини унутиб, унинг воқеаларини аслида бўлиши мумкиндай қабул қиласидар.

Матнда муаллиф ва «бегона» нутқи (муаллифга тегишли бўлмаган – М.Бахтин) фарқланади ва айни замонда, баёнчи-қаҳрамонга муносабатда «икки овозли сўз» пайдо бўлади. Чунки баёнчи ва қаҳрамон (ровий ва персонаж) алоҳида-алоҳида субъект саналадики, улар турлича идрок этилади ва ҳис қилинади. Яна шундай асарлар борки, унда «бегона» нутқи стилизацияга учрайди, яъни қаҳрамон нутқи замонга, муҳитга ва унинг касбига мослаштирилади.

Матн таркибида муаллиф сўзи бўлмаган, стилизация ва пародиядан фарқланувчи «бегона» нутқ тури – баён (сказ) мавжуд. Баёнчи нутқи орқали биз унинг «шахси»ни аниқлаб, қўпинча, персонаж ёки муаллифга тегишли деб биламиз. «Баённинг тамойили шундайки, баёнчининг нутқига фақат интонацион-синтактик жиҳатдан эмас, балки лексик (сўз – Ҳ.Б.) маънолар билан ҳам ранг берилиши мумкин»⁵⁵. «Бегона» нутқи хусусиятларидан яна бири шуки, унинг сўzlари *реминисценция*, яъни ёзувчи матнида аввалги адабий ҳодиса ёки фактларга ҳавола тарзида кузатилади. Буни айрим мутахассислар «адабиётнинг адабиётдаги образи» деб айтишади. Реминисценция матнда бир ўринда тўғридан-тўғри кўчирма тарзида (О.Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» асари – Ҳ.Б.) келиши мумкин ёки у нутқда қайта ишланиб, ишорага айланиши ҳам мумкин.

Замонавий адабиётшуносликда матннинг «ҳудудсизлиги» хусусида ҳамқараашлар тарқалмоқда. Масалан, деконструктивизм (айрим манбаларда постструктурализм)нинг етакчиларидан Ж.Дерриданинг ёзишича: «Мен учун матн ҳудудсиз, чексиз. Бу мутлақ бутунликдир (тотальность). Матндан ташқарида матн йўқ. Бундан англашиладики, матн оддий нутқий мулоқот

⁵⁵ Эйхенбаум Б.М. О литературе: Работы разных лет. М., 1987. С.419.

тури эмас. Масалан, бирор стол – бу матн. Мен учун унинг мавжудлиги ёки лингвистик ҳодиса экани эмас, балки мен уни қандай қабул қиласам, мен учун у шундай матндири⁵⁶. Сезиладики, бу ўринда матннинг мавжудлиги эмас, унинг инсон томонидан идрок этилиши ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Яна унга муносабатда, мумтоз ва замонавий матнни илғашда шундай чегара тавсия қилинмоқдаки, мумтоз матнлар муаллиф томонидан «айтиб берилади», уларда муаллиф позицияси аниқ кўзга ташланади, аниқ ва мақсадли. Замонавий (постмодерн) «матнларда эса тилнинг ўзи гапиради». Бу ўринда муаллиф ва персонажлар овозлари ўрнига фақат ёзиш жараёнидагина мавжуд бўлган матн мутолаасида сезилмайдиган скриптор (ёзувчи) овози бор. Бундай қиёфасиз муаллифгина ҳозирги китобхонга завқ берга олиши мумкин.

Структуралистлар матнга нисбатан янги назария ишлаб чиқдилар: матнгача кечган ва ундан кейин бўладиган жараёнлардан матнни қатъий ажратиб, унга мутлақ автоном қиёфа бердилар. Белги, структура (таркиб), функция (вазифа) каби тушунчалар орқали матн таҳлилига киришдилар.

Аниқланмаганлик шароитида (номаълум мухитда) мубоқил қарор қабул қилиши тизимли (метод) услугб асоси сифатида.

Ҳар қандай муаммони ҳал қилиш учун илмий тизимга киришишнинг бошланғич нуқтаси аниқланмаганлик ҳолатидир. Бу жараёнда юқоридаги каби ТТ га кириши усуллари қўлланилиши баробарида ундан ташқпри ёки параллел равишда муқобил қарор қабул қилишга қаратилган усуллардан ҳам фойдаланилади. Масалан, филологик тизимда ТТга тизимли ёндашув асосида формал–структурал метод белгиланди, бироқ яна ҳам аникроқ ва самарали натижага эришиш учун семиотик таҳлил имкониятларидан фойдаланиб, муқобил қарор қабул қилишга ёрдам берувчи бошқа метод ёки усулни таҳлил жараёнига жалб этиш уммкин.

⁵⁶ Интервью с Жаком Деррида // Мировое древо. М., 1992. С.74.

Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш тизимли таҳлилда аниқланмаган объектни аниқлаш ва таҳлилга тортиши орқали у ҳақда илмий хулоса чиқариига асос бўлади.

Тизимли таҳлил доим номаълум, аниқланмаганлик шароитида муайян илмий муаммони ечим сари йўналтиради, унинг хусусиятларини ўрганиб, илмий таҳлил қилишга ёрдам беради. Бу жараёнда тизимлиликнинг муқобил таҳлил элементлари белгиланади, улар асосида ноаникликтан аниқлик сари қадам ташланади.

Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш илм ва амалиётнинг турли соҳаларида содир қилиниши мумкин:

6. Юриспруденцияда;
7. Ахборотлар тизимида;
9. Педагогик технологияларда;

хамда барча аниқ фанларда, муҳандислик ва иқтисодиётда қўлланилади.

ТТдан мақсад аниқ ечим ёки хулосанинг натижавий кўринишидир.

Тўлиқ ва ҳар томонлама турли вариантларни ўрганиш; биргина ечим билан чекланмаслик; натижага олиб боришга имкон берувчи ҳамма вариантларни эринмай ишлаб чиқиш орқалигина максимал аниқликка эришилиш мумкин.

ТТ моҳияти: объектнинг ҳажми, унинг компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва бошқа объектга муносабати масаласи. Моҳият элементларнинг хоссалари тавсифи ва мавжудлик белгиларида акс этади.

Тадқиқот объектини яхлит тушуниши ва тизимили таҳлилни ташкил этиши.

ТТ – бу тизим структурасига ва муқобил вариантлар мавжудлигига асосланган ҳолда муаммони ҳал этиш методологияси экан, бунда тизимнинг умумий назарияси қонуниятларига асосланади.

Масалан, филологик фанлар тизимида, хусусан, тилшуносликда

Тил – тизим (система)дир (Ф. де Соссюр) деган қараш бор. Шу билан бергә Тил – структура деган қараш ҳам бор.⁵⁷ Улар бир–бирини инкор этмайди, аксинча, бирини иккинчиси түлдиради. Мақсадга эришиш учун тилнинг тизим эканини қабул қилишимиз, унга аниқ метод орқали ёндашганда тилнинг структурал метод орқали ўрганиш қўйилган вазифани енгиллатишга хизмат қилиши мумкин. Мақсад самарадорликка эришишdir. Тизимлиликни образли ифодалаб, самарадорлик назарияси деб ҳам атайдилар. Самарадорлик ҳамма соҳада керак, айниқса, миқдор ўзгаришларининг ва сифат ўзгаришларига ўтишида; информатика назариясида, структур тишлиносликда, структурал поэтикада; моделлаштириш методологиясида, борингки, ҳар қандай ишнинг якуни сифатида муҳим.

Тадқиқот объектини яхлит тушуниш деганда тадқиқот объекти тизимли суратда бири иккинчисини тақозо қиласидан компонентлардан тузилиши белгиланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда структура ва тизим муносабатлари аниқланади⁵⁸.

Структура ва тизимнинг муносабатида шуни аниқлаб олиш зарурки, структура – маркиб, у маркибланиш тамойилларига амал қилиншида тизимли таҳлил натидаларига яқинлашади.

Таҳлил жараёнининг тизимли характеристи таҳлилга объектнинг барча сифат, хосса ва хусусиятларини жалб қила билишида кўринади.

Топшириқлар:

1. Мавжуд луғат, энциклопедия ва википедия (интернет тизимида)лар асосида матнда тилга олинган истилоҳ ва атамаларни талқини ўрганинг.
2. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жихатларини аниқланг.

⁵⁷ де Соссюр Ф. Курс общей лингвистики / Труды по общему языкознанию. М.: Прогресс, 1977. С. 53.

⁵⁸ Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974. С.23.

3. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилишнинг кўшимча услубларини қўллашга ёрдам берадиган усулларини топинг ва уни таҳлил жараёнига киритинг.

4. Тадқиқот обьектини яхлит тушунишга ҳаракат қилинг ва тушунганлар асосида ўз соҳангизда тизимли таҳлилни ташкил этиш мумкинлигини таъминланг.

Топшириқлар:

1. Филологик тадқиқотларда тизимлиликни юзага чиқарувчи омилларни аниқланг ва улар билан иш кўриш натижасида филологик тизимлиликни аниқланг.

1. Структура ва тизим муносабатини ўрганинг. Таҳлил жараёнининг тизимли ҳарактерини англатувчи мисоллар беринг.

2. Филология илмида вербал (сўз асосига қурилган) матнга нисбатан тизимли таҳлил модели: *лингвопоэтика* → *структурал поэтика* → *семиотика* моҳиятини тушунишга ҳаракат қилинг ва уларни ташкил этган компонентлар тизимини таҳлил қилинг.

4. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил ама-лиётидаги ечимини англатадиган хulosавий тушунтириш беринг.

Мустақил таҳлил учун топшириқлар

1. Мавжуд лугат, энциклопедия ва википедия (интернет тизимида)лар асосида матнда тилга олинган истилоҳ ва атамаларни талқини ўрганинг.

2. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатларини аниқланг.

3. Тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувга доир адабиётлар обзори

4. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилишнинг кўшимча услубларини қўллашга ёрдам берадиган усулларини топинг ва уни таҳлил жараёнига киритинг.

5. Тадқиқот обьектини яхлит тушунишга ҳаракат қилинг ва тушунганлар асосида ўз соҳангизда тизимли таҳлилни ташкил этиш мумкинлигини таъминланг.

6. Филологик тадқиқотларда тизимлиликни юзага чиқарувчи омилларни аниқланг ва улар билан иш кўриш натижасида филологик тизимлиликни аниқланг.

7. Структура тизим муносабатини ўрганинг. Таҳлил жараёнининг тизимли характерини англатувчи мисоллар беринг.
8. Филология илмида вербал матнга нисбатан тизимли таҳлил модели: *лингвопоэтика* → *структурал поэтика* → *семиотикани белгиланг* ва уларни ташкил этган компонентларни таҳлил қилинг.
9. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ечимини англатадиган хулосавий тушунтириш беринг.
10. Структурал таҳлилга тизимли ёндошув.
11. Ролан Барт ва М.Лотман назариялари.
12. Структур тилишунослик асослари. Ф. де Соссюр.
13. Адабиётшуносликда структурал метод имкониятлари.

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

- 1.Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг асосий тушунча ва тамойиллар.
2. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувга муносабати.
3. Тизимли таҳлилни ташкил этиш методикаси.
4. Тизимли таҳлилга берилган таҳлил ва талқинлар (илмий адабиётлар асосида).
5. Аниқланмаганлик шароитида муқобил қарор қабул қилиш асослари.
6. Тизимли таҳлилда тадқиқот объектини яхлит тушуниш.
7. Тизимли таҳлилда филологик терминология идентификацияси.
8. Тизимли таҳлилнинг ривожланиш босқичлари.
9. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш методикаси.
10. Бадиий матнга тизимли ёндашув.

VI.КЕЙСЛАР БАНКИ

“Нима сабабдан биз адабий тил меъёрларига амал қилмасдан гапирамиз?” мавзуси бўйича кейс-стади

Педагогик аннотация

Ўқув фани: Давлат (ўзбек) тили

Мавзу: Адабий тил меъёрларига амал қилмаслик сабаблари

Қатнашчилар: Тарих ўқитиш методикаси йўналиши талабалари

Кейснинг асосий мақсади:

Адабий тил меъёрларига амал қилмаслик сабаблари ва оқибатларини, бунга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва сабабларни аниқлаш ҳамда уни олдини олиш чора-тадбириларни ишлаб чиқиши.

Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар: адабий тил меъёрларини кўрсатиб беради, нутқ маданиятини билмаслик сабабларини аниқлайди; тил элементларини ишлатилишида адабий тил меъёрларига амал қилмаслик нутқнинг тоза бўлишига тўсқинлик қилишини асослайди; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда эчим топади.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан ўқувчилар қўйидаги билим ва қўнималарга эга бўлмоқлари зарур:

Талаба билиши керак:

Адабий тил меъёрлари, нутқ маданиятини олдига қўйиладиган талабларни, мантиқийлик, тўғрилик, нотиқлик санъати, таъсирчанлик, жозибадорлик, образлилик, нутқнинг тозалиги, саводхонлик, орфоэпия, нутқий машқ.

Талаба амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласди ва умумлаштиради.

Талаба эга бўлмоғи керак: коммуникатив кўниқмаларга; тақдимот кўниқмалариға; ҳамкорликдаги ишлар кўниқмалариға; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўниқмалариға.

Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Самарқанд, 1994 й.
2. Қиличев Э. Қиличев Б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Бухоро, 2010 й.

Кейсдан кўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-методик таъминоти ўзгарганида қўлланилиши мумкин бўлган ўкув предметлар рўйхати: нутқ маданияти, эстетика.

Кейс-стади:

Вазият.

Маҳалламиз жуда чиройли ва кўркам. Даврон ака ҳар куни ишга кетаётганда болалар ойингоҳи ёнидан ўтарди. Ўйингоҳ жуда ёмон аҳволда эди. Даврон ака бу аҳволни кўриб маҳалла фуқаролари йиғинига ариза ёзишга қарор қилди. Ариза қўйдагича эди:

Маҳалла раиси Қурсанбоевга

Даврон Ибодуллаевнинг

Аризаси

Мен шу маҳалланинг фуқароси Даврон Ибодуллаев сиздан шуни сўрамоқчи эдимки маҳалламиздаги болалар ўйингоҳи жуда ёмон аҳволда. Уни қайтадан таъмирлаш ишини маҳалла фуқаролар йиғинида кўриб чиқишингизни сўрайман.

Даврон Ибодуллаев

Даврон ака аризани маҳалла раиси котибасига берди. Ариза билан танишиб чиққан котиба уни қайтадан ёзиши кераклигини айтди ва аризани қайтариб берди. Даврон ака “муштдайгина” қизнинг гап уқтиришидан хафа бўлиб аризасини ташлаб аразлаб чиқиб кетди.

Вазиятни баҳолаш учун саволлар: 1. Котиба нега аризани қайтариб берди, деб ўйлайсиз? 2. Даврон аканинг жаҳл қилиши тўғри бўлди деб хисоблайсизми? 3. Сиз Даврон аканинг ўрнида бўлганингизда шу мазмундаги аризани қандай ёзган бўлар эдингиз?

Мазкур кейсни бажариши учун амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича талабаларга услугий кўрсатмалар берилади.

Кейсни ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг.

Ўқиши пайтдаги вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2. Биринчи саволга жавоб беринг.
3. Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар;

“С” ҳарфи – муаммо сабаблари;

“О.О.Й.” ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4. Ушбу белгилар 2,3- саволларга эчим топишга ёрдам беради.
5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Агар кейсни гуруҳларда йешиш маъқул кўрилса, унга алоҳида йўриқнома бериш зарур.

Гуруҳларда кейсни ечиш бўйича йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.
2. Индивидуал ечилган кейс вазиятлар билан танишиб чиқинг.
3. Ақлий ҳужум ёрдамида гуруҳ аъзолари томонидан таклиф этилган муаммони ечиш усул ва воситаларининг рўйхатини тузинг.

4. Жамоавий тарзда муаммони ечиш ғояларини баҳоланг ва сизнинг фикрингизча устун бўлганларини танланг.

6. Муҳокама қилинг ва аниқланг: ким гурух иши натижаларини тақдим этади, гурух етакчисими ёки бутун гурух аъзоларими.

7. Бошқа гурух тақдимотларини қўйида келтирилган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланг.

Бажариш вақти: гурух иши – 20 дақиқа, тақдимот – 10 дақиқа.

Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти

1. Кейс-стадидаги асосий муаммо

Нутқий маданиятга таъсир этувчи тилдан ташқаридағи омилларни аниқлаш ва адабий тил меъёрларига амал қилиш қоидаларини кўрсатиб ўтиш.

Муаммоли вазиятни ечиш йўллари. Кейс-стади ва унинг ахборот таъминоти билан танишамиз.

“Қизлар нечун ҳайратда?” мавзусидаги кейс-стади устида ишлаш бўйича моделли амалий ўқув машғулоти

Вазият. Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи 5-синф ўқувчиси Раъно исмли қиз онасининг курсдошиникига, Бухорога дам олиш учун борди. Мезбонлар меҳмонни яхши кутиб олдилар. Кечки пайт ош сузилди, чой дамланди. Мезбон қиз Нилуфар Раънога: “Юлдузларни томоша қиласиз. Томга юр”, – деди. Раъно ҳайрон бўлди. Пешонасини тириштирди-да, йўлда роса чарчаганини, ухламоқчи эканлигини айтди. Нилуфар уни айвонга олиб чиқди. Раъно Нилуфардан така сўради. Бу сафар Нилуфар ҳайрон бўлиб чиқиб кетди ва така олиб келди. Раъно такани кўриб ичаги узилгудек бўлиб кулди.

Вазиятни баҳолаш учун саволлар: Раъно нимадан ҳайратланди ва нима учун кулиб юборди? Нилуфар нимадан ҳайратланди? Том, така нима эканлигини сиз биласизми?

ТОПШИРИҚЛИ КЕЙС-СТАДИНИ ЕЧИШ

КЕЙС-СТАДИДАГИ АСОСИЙ МУАММО “Бир-бирикимизни
англашимиизга нималар тўсиқ бўлади?”

Вазият. Урганчда яшовчи 5-синф ўқувчиси Раъно исмли қиз онасининг курсдошиникига, Бухорога дам олиш учун борди. Мезбонлар меҳмонни яхши кутиб олдилар. Кечки пайт ош сузилди, чой дамланди. Мезбон қиз Нилуфар Раънога: “Юлдузларни томоша қиласиз. Томга юр”, – деди. Раъно ҳайрон бўлди. Пешонасини тириштирди-да, йўлда роса чарчаганини, ухламоқчи эканлигини айтди. Нилуфар уни айвонга олиб чиқди. Раъно Нилуфардан така сўради. Бу сафар Нилуфар ҳайрон бўлиб чиқиб кетди ва така олиб келди. Раъно такани кўриб кўзлари ола-кула бўлиб, бир бурчакка тиқилиб олди, Нилуфар эса ичаги узилгудек бўлиб кулди.

Вазиятни баҳолаш учун саволлар: 1. Раъно нимадан ҳайратланди ва нима учун кулиб юборди? 2. Нилуфар нимадан ҳайратланди? 3. Том, така нима эканлигини Сиз биласизми? 4. Меҳмон ва мезбон орасига бу воқеадан кейин совуқ оралаб қолмайдими, нима дейсиз?

ТОПШИРИҚ. Ушбу вазиятни таҳлил қилиб, муаммони олдини олиш ва уни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқинг.

VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|----------------------------|---|---|
| Тизим | Тизим (система – юонча: бутунлик, қисмларнинг уланиб, бир бутун ҳолида бўлиши) бирор бутунлик (яхлитлик)ни ҳосил қилувчи аъзо (компонент)ларнинг ўзаро алоқадорликдаги йифиндиси | System (Greek - system: integrity, interconnectedness and interconnection) is the interconnected sum of the components that make up a whole. |
| Тизимли таҳлил | <i>Тизимли таҳлил</i> (ТТ) икки маънода қўлланилади: топ ва кенг маъноларда: 1) топ маънода – мураккаб сиёсий, ҳарбий, социал, иқтисодий, илмий ва техник характердаги муаммоларни ечиш ва асослашда қўлланиладиган методологик воситалар йифиндиси; 2) кенг маънода “ТТ”, кўпинча, “тизимли ёндашув”нинг синоними сифатида қўлланилади (тизимли ёндашув жараёнинг киришил-ганда бу муносабатга яна қайтилади). | Systematic analysis (SR) is used in two ways: in narrow and broad terms: 1) in narrow terms - a set of methodological tools used to solve and justify complex political, military, social, economic, scientific and technical problems; 2) In the broadest sense, “TT” is often used as a synonym for a “system approach” (when the system approach approaches the process, it returns to this relationship). |
| Эмержентлик | Яхлитлик элементларнинг компонентлашуви, яъни унсурларнинг ўзаро алоқадорликка киришуви натижасида бутунлик (ёки жонлилик) ҳосил қилинишидир | Integrity is the componentization of elements, that is, the formation of integrity (or vibrancy) as a result of the interconnection of elements. |
| Тизимли таҳлил моҳияти: | Объектнинг ҳажми, унинг компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва бошқа объектга муносабати масаласи. Моҳият бу компонентлар хоссаларининг тавсифи ва мавжудлик белгиларида акс этади | The question of the size of an object, the interrelation of its components, and its relation to another object. The essence is reflected in the characteristics and availability characteristics of these components |
| Илми адаб | Ғарб истилоҳига кўра: поэтика; зарурий, энг муҳим илмлар мажмуаси хисобланиб, қўйидаги филологик соҳаларни ўз ичига | According to the Western term: poetics; is a necessary and most important set of sciences and includes the following |

| | | |
|--|---|---|
| | олади: <i>лугат</i> (1), <i>сарф</i> , яъни морфология (2); <i>ишикъоқ</i> – сўз ясалиши (3); <i>нахв</i> – синтаксис (4), <i>маоний</i> (5), <i>баён илми</i> (6), <i>аруз</i> (7), <i>қофия</i> (8), <i>иншо</i> (9), <i>бадоеъ</i> – шеър фарзи (10), <i>муҳозара</i> – тарихий воқеа ва ривоятлардан фойдаланиш (11), <i>расму-л-хам</i> (12) | philological fields: dictionary (1), expenditure, ie morphology (2); enthusiasm - word formation (3); nahv - syntax (4), maoni (5), narrative science (6), aruz (7), rhyme (8), essay (9), bade'e-fard (10), discussion - use of historical events and narratives (11), photo-letter (12) |
| Муаммолар таснифи | ТТ да муҳим ўрин тутади. Умумий ҳолда уларни куйидагича таснифлаш мумкин: 1. Яхши таркибланган (структурированный) – <i>well-structured</i> . 2. Бўш таркибланган (слабо структурированный) – <i>ill-structured</i> . 3. Таркибламаган ёки ўзаро миқдорий алоқада бўлган (неструктированный) – <i>unstructured</i> ; | It plays an important role in TT. In general, they can be classified as follows: 1. Well-structured (well structured) - well-structured. 2. Empty Composition (slabo struktirovannyi) - ill-structured. 3. Unstructured or interconnected quantities (nestruk-tyranny) - unstructured; |
| Тадқиқот объектини яхлит тушуниш | Тадқиқот обьекти тизимли суратда бири иккинчисини тақозо қиласиган компонентлардан тузилиши белгиланади. | The object of the research is systematically determined from the components that make up the other. |
| Структура | Таркиб, таркибланиш тамойилларига амал қилинишда тизимли таҳлил натижаларига яқинлашади. | The content approaches the results of systematic analysis when complying with the principles of composition. |
| <i>Матнга асосланган назариялар</i> | Формал-структурал ёндашув, <i>янги танқид, нарратология</i>) учун бадиий матн назарий фаннинг бирламчи обьекти булгани учун матн моҳияти (назарияси), таркиби (структураси), талқини (герменевтикаси), ифодавийлиги каби илмий муаммолар бу йўналишдаги таҳлилий жараён | As the literary text is the primary object of theoretical science for formal-structural approach, new criticism, narratology, scientific problems such as the essence (theory), structure (structure), interpretation (hermeneutics), expressiveness in this area are analyzed. |
| <i>Муаллифни ўрганишга қаратилган назариялар</i> | Биографик ва психоаналитик ёндашув, шу билан бирга феминистик адабиёт-шунослик, феноменологик тадқиқотлар учун обьект бадиий ижод ёки муайян жодкорнинг асарлари булгани учун хам унинг предметини муаллиф | Biographical and psychoanalytic approaches, including feminist literary criticism, phenomenological studies, whether the subject is a work of art or a work of a particular artist, its subject matter, method, genre, |

| | | |
|----------------------|--|---|
| | услуби, услубни рўёбга чиқарувчи ашқи (метод, жанр ва бошқалар) ва ички хусусий ҳоллар (дунёқараш, ёзиш қоидалари, маҳорат) кабилар ушбу йўналишдаги назарий қарашларнинг предметини ташкил қиласди. | etc. rules, skills, etc.) are the subject of theoretical theories in this area. |
| Лингвопоэтика | Бадий матнни тил сатҳлари ва бадий жиҳатлари бўйича таҳлил этишни зиммасига олиб, тизимли таҳлилнинг кейинги босқичларига асос яратади. | It undertakes the analysis of the literary text on the levels and artistic aspects of the language and provides the basis for further stages of systematic analysis. |
| Структурал поэтика | Матн маданият феномени сифатида масъул нутқий ҳаракат бўлиб, у вужудга келган макон ва замондан ташқарида «ишлашга» мослаштирилган ҳолда қайта ишланади ва охор берилади. | The text is a speech movement responsible for the phenomenon of culture that is processed and interpreted in a way that is adapted to “work” beyond space and time. |
| Матн трансформацияси | Бир мавзу доирасидаги матнларни жанр ва сюжетига кўра ўзгаришидир. А.Н.Веселовский сюжет поэтикаси нуқтаи назаридан, В.Б.Шкловский янги жанрлар вужудга келиш омили деб қарашган. | Change text within a theme by genre and plot. A.N. Veselovsky from the point of view of subjective poetics, VBShklovsky considered the emergence of new genres. |
| Подтекст | Калкалаш орқали рус тилига олинган – инглизча: subtext; ўзбекча: матности; жиддий ва чуқур адабий асарларда ички «сувости оқими» бўлиб, асарнинг асосий концепциясини ташийди. Э.Хемингуэй бадий асарда “айсберг” ғоясини илгари сурган. | Taken to Russian by Shading - English: subtext; Uzbek: texts; in serious and profound literary works the inner "subterranean" carries the basic concept of the work. In the work of art, Hemingway put forward the idea of "iceberg". |
| Контекст | Лотинча: contextus – боғланиш, занжир – матннинг маъно майдони бўлиб, унда бадий матнларни ҳар бир ички курилма маъно томонидан бошқарилади, асар талқинида мана шу майдондаги маъно назарда тутилади. | Latin: contextus is the link, the chain is the meaning space of the text, where each internal device in the artistic text is controlled by the meaning, meaning the meaning of the space in the interpretation of the work. |
| Интертекстуаллик | Французча: intertextuality; сўз маъноси: матнларораси; бадий матннинг ички | French: intertextuality; literal meaning: texts; fiction is the internal link between the text |

| | | |
|---------------|--|--|
| | алоқадорлиги бўлиб, у ташқи ҳаёт воқеаларига эмас, балки матннинг ўзига ва бошқа матн-ларга муносабатидир. | itself and other texts, not external events. |
| Реминисенция | Лотинчадан олинган бўлиб эсга олиш маъносини англатади. | Reminiscent – tending to remind one of something |
| Интертекстуал | Матннинг бошқа матн маъноси орқали шаклланиши. Бу адабий восита бўлиб матнлар ўртасида боғлиқликни амалга оширади. | Is the shaping of a text's meaning by another text. It's a literary device that creates an interrelationship between texts' and generates related understanding in separate works. |
| Референцион | Лотинчадан олинган бўлиб бирор сўзнинг ёки фразанинг айнан бирор кишига, жойга, ёки нарсага нисбатан тааълуқлилигини билдиради | Of a word or phrase applied to a particular person, place, or thing and not to any other |
| Утилитар | Инглизчдан олинган бўлиб бирор нарсанинг қанчалик фойдалилигини билдиради | Doctrine that the useful is the good and that the determining consideration of right conduct should be the usefulness of its consequences |
| Стилизация | Бирор жанр, авторга хос бадиий услубни ўзлаштириш | To design in or cause to conform to a particular style, as of representation or treatment in art |
| Индукция | Хусусийликдан умумийликка ўтиш жараёнидир | Process of turnig into general understanding from individual |
| Дедукция | Умумийликдан хусусийликка ўтиш жараёнидир | Process of turning into individual understanding from general |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилганмажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битириувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизиминия янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муасссалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муасссалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

II. Махсус адабиётлар

15. *Ahmadjonov T.* Xorijiy tillarni o'qitishda tizimli va stilistik tahlillarni qo'llash // moodle.uzspic.uz

16. *Bertalanffy L.* General system thery. Foundations, development, applications. N.Y., 1962.

17. *Churchman C.W.* The systems approach. N.Y., 1968.

18. General systems theory. N.Y. Vol. 1-30. 1956-85.

19. *Блауберг И.В., Садовский В.Н., Юдин Э.Г.* Системный подход в современной науке // Проблемы методологии системных исследований. М.: Мысль, 1970.

20. *Воскобойников А.Э.* Системные исследования: базовые понятия, принципы и методология // «Знание. Понимание. Уме-ние». 2013. № 6.

21. Клиланд Д., Кинг В. Системный анализ и целевое управление / Пер. с англ. М., 1974.
22. Проблемы методологии системного исследования М., 1970.
23. Ракитов А.И. Философские проблемы науки: Системный подход. М.: Мысль, 1977.
24. Садовский В.Н. Системный подход и общая теория систем: статус, основные проблемы и перспективы развития. М.: Наука, 1980.
25. Системные исследования. Методологические проблемы. Ежегодник. М., 1979-88.
26. Уёмов Д.А. Системный подход и общая теория системы. М., 1978.
27. Черногор С.А. Введение в синергологию и сложные системы моделирования. М.: Наука, 2008.
28. Черногор С.А. Синтез креативных подходов в решении практических системологических задач // Философская мысль. М., 2004. № 5.
29. Щедровицкий Г.П. Принципы и общая схема методологической организации системно-структурных исследований и разработок. М.: Наука, 1981.

IV.Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
 2. www.edu.uz
 3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
 4. www.tdpu.uz
 5. www.pedagog.uz
 6. www.nuuz.uz
 7. www.bimm.uz
 8. www.literature.uz
 9. www.kutubxona.uz
 10. [http:// www.disser.h10.ru/pedagog.html](http://www.disser.h10.ru/pedagog.html)
-
11. <http://www.istedod.uz/>
 12. www.scopus.com